



## ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ

### МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги  
Тергов департаменти

### ТАҲРИР КЕНГАШИ:

О.Т. Қулбеков (кенгаш раиси)  
О.В. Хаджаев (кенгаш раисининг ўринбосари)

### КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ:

Р.Б. Базаров  
С.С. Орипов  
Ж.А. Джалилов  
С.Б. Юсупов

### «Тергов амалиёти» журнали

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Тергов департаменти бошлигининг ўринбосари, подполковник О.Т. Қулбековнинг умумий таҳрири остида тайёрланган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгасига қайтарилимайди. «Тергов амалиёти»дан кўчириб босилган мақолалар «Тергов амалиёти»дан олинганилиги кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

### Манзилимиз:

100029, Тошкент шаҳри,  
Ю.Ражабий кўчаси, 1-йи.

[www.tergov.uz](http://www.tergov.uz);  
[facebook.com/tergov.uz](https://facebook.com/tergov.uz);  
[instagram.com/tergov\\_uz](https://instagram.com/tergov_uz);  
[/t.me/tergov\\_uz](https://t.me/tergov_uz).

### Телефонлар:

71 233-65-34, 71 231-55-88

## МУНДАРИЖА

### A.O. Шарафутдинов

Процессуал ҳаракатларни амалга оширишда видеоёзув воситаларидан фойдаланиш муаммолари.....4

### O.B. Хаджаев

Айни бўйнига олиш бўйича келишув институтини миллий қонунчиликка тадбиқ этиш, халқаро тажриба, мавжуд муаммолар ва кутилаётган натижа.....10

### A.X. Пулатов

Хоразм вилоят ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси ва унинг қуий тизимлари томонидан 2020 йилнинг 3 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар .....16

### H.I. Ходжабаева

Одам савдосига қарши курашнинг долзарб масалалари...26

### Э.Р. Солиев

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларида кардлар билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этишининг ўзига хослиги.....36

### У.А. Исмаилов

Ишни судга қадар юритиш босқичида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тъминлаш .....46

### Ж.Ж. Шоназаров

Оқлов ҳукми суд-хукуқ соҳасида фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоясидир.....54

### A.A. Султонов

Процессуал ҳаражатлар – одил судловни амалга оширишнинг иқтисодий кафолати сифатида .....60

### H.T. Тулабоева

Словения – самая безопасная страна Европы.....66

### M.T. Рахматуллаев, M.M. Султонов

Хусусий айлов тушунчаси ва моҳияти.....74





Мен бир фикрни тақорлашдан чарчамайман: **»**  
халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни  
ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий  
вазифамизга айланиши шарт.

«

“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган  
даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чукур кириб бормоқда.  
Биз айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш,  
инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва  
ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт  
борасида муҳим қадамларни қўймоқдамиз.

«

“Кенг жамоатчилик, эл-юртимиз барча ижобий  
ўзгаришларнинг ташаббускори ва бунёдкорига  
айланмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари қаерда бўлмасин,  
давлат ҳимоясида эканини, қонун ва адолат кучини ҳис  
этиб яшамоқда.

«

Шавкат Мирзиёев

## ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ВИДЕОЁЗУВ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ



Алишер Озодович  
ШАРАФУТДИНОВ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Дастлабки тергов ва криминалистика  
кафедраси бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат  
курсатган юрист



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 91-моддасига кўра, жиноят иши бўйича далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиллар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин.

Процессуал ҳаракатларни ўтказишида техник воситаларни, айниқса рақамли технологияларни қўллашнинг афзалликлари шундаки, иш учун аҳамиятли маълумотларни электрон шаклда қайд этиш, сақлаш ва узатиш имкониятлари кенгdir. Улар ёрдамида олинган маълумотлар ўзининг объективлиги, яққол кўриниши, вақт ўтиши билан хусусиятларини сақлаб қолиши ва кўплаб намойиш қилиниши мумкинлиги билан ажраб туради<sup>1</sup>.

Суд-тергов амалиётининг таҳлили бугунга кунда, далиллар илмий-

техника воситалари ёрдамида, айниқса видеоёзув орқали қайд қилиш кенг қўлланилаётганлигини кўрсатмоқда. Ушбу тартиби амалдаги ЖПКда ўз ифодасини топиши процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини яна-да самарали муҳофаза қилинишига хизмат қиласди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-617-сонли Конуни билан видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган процессуал ҳаракатлар доираси кенгайтирилди.

Амалдаги ЖПКнинг 91-моддасига мувофиқ видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган процессуал ҳаракатлар қўйидагилардан иборат:

## ВИДЕОЁЗУВ ОРҚАЛИ ҚАЙД ЭТИЛИШИ ШАРТ БЎЛГАН ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАР

• ВИДЕОЁЗУВ ОРҚАЛИ ҚАЙД ЭТИЛИШИ ШАРТ БЎЛГАН ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАР

• ЎТА ОФИР ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ

• ТИНТУВ

• КЎРСАТУВЛАРНИ ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДА ТЕКШИРИШ

• ТЕРГОВ ЭКСПЕРИМЕНТИ

• ГУМОН ҚИЛИНУВЧИГА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТУШУНТИРИШ

• ШАХСНИ УШЛАШ

• ҲИМОЯЧИДАН ВОЗ КЕЧИШ

• ШАХСНИ УШЛАШ ЖАРАЁНИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ШАХСИЙ ТИНТУВ ВА ОЛИБ ҚЎЙИШ

• УШБУ ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНГАН ХОЛДА ВИДЕОЁЗУВ ВОСИТАСИНИ КЎЛЛАШ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ



Қолған процессуал ҳаракатларни видеөөзув орқали қайд этиш масаласи бевосита терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суроштирувчи ёки терговчи томонидан мустақил ҳал қилинади.

Қонунчилікда процессуал ҳаракатларнинг үтказиш жараёни ҳамда унинг натижаларини видеөөзув воситалари ёрдамида қайд қилиш мүмкінлиги, айрим ҳолларда эса шартлиги кўрсатилган бўлсада, уларнинг процессуал тартиби тўлиқ ёритилмаганлиги суд-тергов амалиётида қонун талабларини турли хил талқин қилинишига сабаб бўлмоқда. Буни процессуал ҳаракатларни үтказиша видеөөзув воситаларини қўллаш билан боғлиқ ЖПК моддаларининг таҳлили ҳам кўрсатади. Уларни қўйидагиларда кўриш мумкин:

- 52-модданинг 1-қисмида ҳимоя чидан воз кечиш жараёни видеөөзув орқали қайд этилиши шартлиги, видеөөзув материаллари баённомага илова қилиниши;

- 91-модданинг 2- ва 3-қисмларида видеөөзув воситаларининг техникавий тавсифи тергов ҳаракати баённомасида


акс эттирилиши, видеөөзув материаллари баённомага илова қилиниши, иловада тергов ҳаракатининг номи, үтказилган жойи, санаси кўрсатилган изохловчи матн бўлиши лозимлиги;

- 91<sup>4</sup>-модданинг 4-қисмида видеоконференцалоқа ёзувининг вақти үтказилган тергов ҳаракатининг аниқ вақтига мос келиши кераклиги, видеоконференцалоқа жараёнидаги танаффуслар юзасидан изоҳ берилиши ҳамда улар видеөөзувда ва баённомада акс эттирилиши кераклиги;

- 224-моддада шахсни ушлаш, шахсий тинтуб ва олиб қўйишни амалга ошириш, шунингдек унинг ҳуқуқларини тушунтириш видеөөзув орқали қайд этилиши шартлиги, ушлаб турилган шахсга видеөөзув уни намойиш қилиш орқали таништирилиши, бу ҳакда баённомада акс эттирилиши ҳамда видеөөзув материаллари баённомага илова қилиниши;

- 106-модданинг 7-қисмида сўроқ қилинувчи ёки тарафларнинг илтимосига кўра суд мажлисида баённомага имзо қўйилгунига қадар ёзилган видеөөзув намойиш қилиниши мүмкінлиги;

- 426-модданинг 4 ва 5-қисмларида





суд мажлиси видеоёзувга олинган тақдирда, суд мажлиси байённомасига суд мажлисида ёзиб олиш техника воситаларидан фойдаланилганлиги түғрисида белги қўйилиши, видеоёзув сақланаётган электрон ёки бошқа манбалар суд мажлиси байённомасига илова қилинишини кўрсатиш билан чекланган.

#### **Шу билан бирга:**

- видеоёзув воситалари қўлланилган ҳолатларда процесс иштирокчиларини бу ҳақда огоҳлантириш;
- амалга оширилаётган ҳаракатларга изоҳ беришнинг кетма-кетлиги ва тартиби;
- процессуал ҳаракат тамомлангач, видеоёзувни иштирокчиларга намойиш қилиш;
- видеоёзувни видеокамера хотира картасидан электрон маълумотлар ташувчи мослама (CD диск, USB флеш-хотира ва бошқалар)га кўчириб олиш;
- кўчиришда фойдаланилган илмий-техника воситалари ҳақида маълумотларга қўйиладиган талаблар ва уларни баённомада акс эттириш;
- видеоёзувни йўқотилиши, шикастланиши, бузилиши, бошқа маълумотлар билан аралашиб кетишининг олдини олиш чоралари, уларни қайта тиклаш шартлари;
- баённомага илова қилинаётган электрон маълумот ташувчи мосламани ўраш ва муҳрлаш каби масалаларнинг процессуал тартиблари белгиланмаган.

ЖПКнинг 951-моддасига кўра процессуал қонун талабларига зид равища олинган маълумотлардан, шу жумладан видеоёзувлардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланганлиги боис, кўрсатиб ўтилган ҳолатларни тартибга солувчи меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилиши лозимdir.

ЖПКнинг янги лойиҳасини ишлаб чиқишида амалдаги қонунчиликнинг бу муаммоси инобатга олинар, лекин у давргача процессуал ҳаракатларни ўтказиша, жиноят-процессуал қонунининг далилларга бўлган умумий талабларидан келиб чиқиб, видеоёзув воситаларини қўллаш тартибларига алоҳида тўхтаб ўтишни жойиз деб билдиқ.

**Хусусан,** процессуал ҳаракатларни ўтказиша видеоёзув воситаларидан фойдаланилганда процессуал ҳаракатнинг жараёни ва натижалари юзасидан уни ўтказаётган мансабдор шахс изоҳ бериб бориши лозим. Лекин, видеокамера объективига қараб, у ёки бу ҳаракат юзасидан фикр билдириш анча мураккаб жараёндир. Шунингдек, изоҳ бериш жараёнида бевосита тергов ҳаракатини, айниқса, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни ўтказилишида уни амалга ошираётган мансабдор шахснинг чалғиб қолиши ва натижада тергов ҳаракатини ҳар томонлама ва тўлиқ ўтказмаслиги эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун, процессуал ҳаракатни ўтказаётган шахс бунга пухта тайёргарлик кўриши, ҳаракатни ўтказиш кетма-кетлигини аввалдан режалаштириб олиши зарур бўлади. Шу билан бирга, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган, суриштирув ва тергов идоралари раҳбарлари ҳодиса жойини кўздан кечиришда видеоёзувдан фойдаланиладиган ҳолатларда ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш учун камида иккита ваколатли мансабдор шахсни жалб қилиши мақсадга мувофиқдир.

Вideoёзувга изоҳ беришни ҳар қайси процессуал ҳаракат каби шартли равища уч қисмга - кириш, асосий ва якуний қисмларга бўлиш мумкин.

**Кириш қисмида,** яъни процессуал ҳаракат бошланиб, видеокамера воситаси ёқилиши билан процессуал ҳаракатни ўтказаётган шахс:

- 1) ўзининг лавозими, унвони ҳамда фамилиясини;
- 2) процессуал ҳаракат ўтказилаётган жойи ва санасини;
- 3) процессуал ҳаракатнинг хусусиятидан келиб чиқиб, унинг қандай об-ҳаво шароитида ва ёруғлика ўтказаётганлигини;
- 4) ўтказилаётган процессуал ҳаракатнинг номланишини;
- 5) ЖПКнинг қайси моддаларига кўра процессуал ҳаракатни ўтказаётганлигини;
- 6) процессуал ҳаракатда иштирок



этаётган шахслар ва уларнинг процессуал мақоми тўғрисидаги маълумотларни;

7) иштирокчиларнинг вазифалари ҳамда ЖПКда кўзда тутилган ҳукуқ ва мажбуриятлари нималардан иборатлигини;

8) процессуал ҳаракат гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлар беришлири билан боғлиқ бўлса, улар ёлғон кўрсатувлар берганликлари ёки кўрсатувлар беришдан бош тортганликлари учун ЖК нинг 238, 240-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортишилари мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилганликларини;

9) процессуал ҳаракатни ўтказиш жараёни ва унинг натижаларини қайд қилишда видеоёзув аппаратидан фойда-

ланилаётганлигини;

10) ушбу аппарат ҳамда электрон маълумот қайд этилаётган мослама (видеокамеранинг хотира картаси, CD диск, USB флеш-хотира ва бошқалар) нинг русуми ва техник тавсифини;

11) процессуал ҳаракатнинг аниқ бошланган вақти (соат, дақиқа) ни эълон қилиши лозим.

**Асосий қисмда:** процессуал ҳаракат жараёни ва унинг натижалари видеоёзув ёрдамида тўлиқ қайд этилади. Процессуал ҳаракат ўтказилаётган жойнинг умумий кўринишидан ташқари, кўрсатувлар бераётган шахслар ёки уларнинг ҳаракатлари, эътибор қаратилган обьектлар, топилган ва олинган ашёвий далиллар, ҳужжатлар ҳамда





излар, уларнинг ўралиши, муҳрланиши, рақамланиши, ва умуман, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар имкони борича йирик планда ва процессуал ҳаракат ўтказилаётган жойга боғланган ҳолда тасвирга олинади.

Процессуал ҳаракат давридаги савол-жавоблар ЖПКда белгиланган қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Видеоёзув техник ёки бошқа сабабларга кўра тўхтатилса, видеоёзувнинг тўхтатиш ҳамда қайта тиклаш вақтлари аниқ кўрсатилиб, сабаблари юзасидан изоҳ берилади.

#### **Якуний қисмда:**

1) иштирокчилардан ўтказилган ҳаракат хусусида қўшимчалар, илтимослар, эътиrozлар ёхуд шикоятлар бор-йўқлиги сўралади ва бор бўлса, улар кўриб чиқилади;

2) видеоёзув тўхтатилиб, у техник воситалар ёрдамида ёқивидеокамеранинг ўзи орқали иштирокчиларга намойиш қилинади;

3) намойиш тугагандан сўнг, видеоёзув қайта тикланиб, видеоёзув қандай техник воситалар ёрдамида намойиш қилинганилиги эълон қилинади ва иштирокчилардан намойиш натижалари хусусида муносабатларини билдириш сўралади;

4) процессуал ҳаракатнинг ўтказилиши тамомланиб, бу ҳақда эълон қилинади ва процессуал ҳаракатнинг тамомланган вақти (соат, дақиқа) аниқ кўрсатилиб, видеоёзув аппарати ўчирилади;

5) ўтказилган процессуал ҳаракат жараёни ва натижалари юзасидан ЖПКнинг 90-92-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда баённома тузилади ва унда юқорида кўрсатиб ўтилган жараён тўлиқ акс эттирилади;

6) видеоёзув воситаси ёрдамида қайд этилган маълумотлар видеокамеранинг хотира картасидан бошқа электрон маълумотлар ташувчи мослама (CD диск, USB флеш-хотира ва бошқалар)га маълумотларнинг ўзгартирилишини ва сифати бузилишини истисно қилган ҳолда кўчириб ўтказилади ва бу ҳақда баённомада қайд этилади;

7) видеоёзув материаллари кўчириб олинган электрон маълумотлар ташувчи мослама процессуал ҳаракат қатнашчилари иштирокида ўралиб, муҳрланади ва баённомага илова қилинади.

Видеоёзув материалларини процессуал ҳаракат ўтказилётган жода бошқа электрон маълумотлар ташувчи мосламага кўчириб ўтказиш имкони бўлмаган ҳолларда, бу маълумотлар техник имкониятлар вужудга келган заҳоти (терговга қадар текширувни амалга оширувчи, суриштирув ёхуд тергов органига келинганда) электрон маълумотлар ташувчи мосламага кўчириб ўтказилиши лозим. Бу ҳақда алоҳида баённома тузилиб, унда, хусусан маълумотларни кўчириб олишда фойдаланилган техник воситалар, кўчириб олинган файлнинг ҳажми ва формати, бу ишни амалга оширган ҳамда ушбу жараёнда иштирок этган шахслар ҳақида маълумотлар акс эттирилади. Маълумотлар кўчириб олинган мослама ўралиб, муҳрланади ва баённомага илова қилинади.

Процессуал ҳаракатнинг хусусиятларидан келибчиқиб, яъни уни ўтказаётган шахс бир вақтнинг ўзида видеотасвирга олишини истисно қиладиган ҳолатларда, видеоёзувни амалга ошириш учун мутахассис жалб қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.





АЙБНИ БҮЙНИГА ОЛИШ БҮЙИЧА КЕЛИШУВ  
ИНСТИТУТИНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ТАДБИҚ ЭТИШ,  
ХАЛҚАРО ТАЖРИБА, МАВЖУД МУАММОЛАР ВА  
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖА



Отабек Валижонович  
ХАДЖАЕВ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги

Тергов департаменти бошқарма

бошлиғининг ўринбосари,

подполковник



Тергов жараёнини максимал соддалаштириб, фуқароларнинг вақтлари ва маблағларини тежаш мақсадида миллий қонунчиликка айни бўйнига олиш бўйича келишув институтини, халқаро тажрибага асосланниб татбиқ қилиш лозим.

### **Келишув институти бу нима?**

Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси томонидан прокурор ўртасида қонун талабларидан келиб чиқсан ҳолда битим тузиш, унга асосан айбланувчи унча оғир бўлмаган жиноятни содир этганлигига икror бўлиши ва суд жараёнида жиноят ишини кўриб чиқишида соддалаштирилган тартибда кўрилиши, бу эса прокурор томонидан жиноятни тўлиқ тергов қилишдан воз кечишига ёки айбланувчига белгиланадиган жазо тури енгилроғига алмашишига сабаб бўлади.

### **Келишув институти биринчи бўлиб қаерда пайдо бўлган?**

Тарихга назар соладиган бўлсак,

биринчи бўлиб келишув институти АҚШда қарийб 150 йил аввал пайдо бўлган. Бугунги кундан ушбу мамлакатда қарийб 90% жиноят ишлари ушбу институтни қўллаган ҳолда кўриб чиқади. АҚШ адабиётларида ушбу институтга қўйидагича тариф берилган, яъни (plea bargain) айбланувчи судда енгилроқ жазо олиш учун, ўз айбини бўйнига олади (plea guilty) ёки бошқа бир айбланувчининг манфаатига ён босиш учун келишувни амалга оширади.

Айтиб ўтиш жоизки, АҚШда битим фақатгина айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва прокурор ўртасида амалга оширилади. Федерал жиноят процессуал қоидаларининг 11-коидасига асосан ушбу битимда судьянинг иштирок этишига йўл қўйилмайди. Келишув жараёнида прокурор айбланувчини унга тайинланиши мумкин бўлган жазо ҳажми ва турлари билан огохлантириб, ҳаттоқи қўрқитиши мумкин, бироқ ушбу ҳаракатлар фақатгина





жиноятни малакаланишига тааллуқли булиши зарур. Ушбу ҳолат Bordenkircher v. Hayes жиноят ишида тасдиғини топган.

Бугунги кунга келиб айбини бүйнiga олиш бүйича келишув институти АҚШ, Англия ва Уэльс, Ҳиндистон, Франция, Эстония, Испания, Грузия, Украина, Қозоғистон ҳамда Молдова Республикаларида кенг фойдаланиб, судхуқуқ тизимини соддалаштирилган вақт ва ресурсларни тежаган ҳолда миллый жиноят процесси қонунчилигига тадбиқ этилган.

#### **Келишув институтининг процессуал кўриниши қандай кечади?**

Айбини бүйнiga олиш бүйича барча келишувлар ёзма равища расмийлаштирилиб, жараён очик суд мажлисида кўриб чиқлади. Бунинг учун аввалига айланувчи томонидан прокуратура идорасига айбини бүйнiga олганлиги ва унга нисбатан келишув

институтини қўллаш учун илтимоснома киритилади.

Ушбу институтни қўллаш даврида, айланувчи очик суд мажлисида сўроққа тутилиши мумкин ва суд айланувчи томонга у келгусидаги қарорини қандай юридик оқибатларга олиб келишини биләётганлигига ишонч ҳосил қилиб, қўйидаги ҳақ-хуқуқларини тушунтириб ўтиши зарур:

- айланувчи суд жараёнида ёлғон кўрсатма берган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши;

- айланувчи айбиз эканлиги ҳақида мурожаат қилиши;

- суд жараёни судьялар ҳайъати томонидан кўрилишини талаб этиши (суд присяжных)

- қонунда белгиланган ҳолатларда суд томонидан адвокат билан таъминланиши;





- тўлиқ суд жараёнида жиноятни кўрилишини илтимос қилиш, керак бўлса далиллар ва гувоҳларни судга тақдим қилиш;
- келишув институтини танлаган ҳолда юқоридаги ҳуқуқлардан воз кечиш;
- айборд әканлигини, айбланувчи томон келтириши зарурлиги;
- ушбу жиноят учун максимал жазо, озодликдан маҳрум қилиш, гаров ва муддатидан аввал озод қилиш;
- энг минимал жазо турини билиш;
- ҳар қандай мусодара турлари;
- суд томонидан реституция белгилаш;
- суд ҳукм чиқаришда Федерал қонунлар ва принципларга асосланиши;
- келишув институти қўлланганда, протест ёки арз қилишга йўл қўйилмаслиги;
- айбланувчи чет эл фуқароси бўлган тақдирда, АҚШдан депорт қилиниши, фуқароликка ва давлатга киришга чеклов ўрнатилиши.

Бундан ташқари, суд айбланувчи томонидан келишув институтини қўлланилиши ўз хоҳиши билан бўлаётганлиги ва унга ҳеч қандай босим ўтказилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши зарур.

АҚШда келишув институти Федерал қоидалар тўпламининг 410-қоидасида тартибга солинган.

Суд айбланувчининг келишув институтини қўллаш ҳақидаги илтимосномасини кўриб чиқиб, қўйидаги қарорни қабул қиласди:

- 1) Тасдиқлаб, келишувни ҳаққоний деб топиш (accept agreement);
- 2) Келишувни ноқонуний деб топиш (reject agreement);
- 3) Келишувни қабул қилишни қолди-

риб ёки қабул қилмасдан, айбланувчининг шахсига оид маълумотлар билан танишиш учун ўрганиш (defer agreement until the court has reviewed the presentence report);

Айтиб ўтиш жоизки, судда келишувни қабул қилиш ёки унда айтиб ўтилган шартларни қабул қилиш мажбурияти йўқ, аммо агар суд ҳукм чиқарса, ушбу шартлар ҳукмда ўз аксини топиши керак.

Айбланувчи келишув институтини қўллашни суднинг якуний қарор чиқариш учун маҳсус маслаҳат хонасига кириб кетгунига қадар ушбу институтни қўллашни истаётганлигини билдириши зарур, аксинча, айбланувчи ушбу келишув институт қўлланишидан воз кечишини суд маслаҳат хонасига кириб кетгунига қадар билдириши талаб этилади.

#### **Ўзбекистонга келишув институтини қонунчиликка татбиқ этиш зарурлиги:**

Ўтган 2019 йилда 11 890 та жиноят иши – 1 ойгача, 9 229 та жиноят иши – 2 ойгача, 4621 та жиноят иши – 3 ойгача, 67 та жиноят иши эса 3 ойдан ортиқ муддат давомида тергов қилинган.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, жиноят ишларининг 40% 1 ойгача давр мобайнида тергов қилиниб, судга оширилган. Бироқ, баъзи ҳолларда ушбу жиноятлар қўзғатилиш кунидан келгусида судга айблов хulosasi билан кетиши маълум бўлиб туради, чунки терговга қадар текширув вақтида тўпланган ҳужжатлар, далиллар ва айбланувчи томоннинг кўрсатмалари (ўз айбина бўйнига олиши) билан жиноят содир этилганлиги ўз тасдифини топади. Бироқ миллий қонунчиликдан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир жиноят бўйича маълум бир ҳужжатлар ва бир қатор тергов ҳаракатлар ўтказилиши талаб этилади. Бундан ташқари, ўз айбина тан олиб турган фуқарога, бошқа бир инкор этиб бўлмас далиллар (жиноят



акс этган видеотасвир, жабрланувчининг тўғридан-тўғри кўрсатмаси, ашёвий далиллар) бўлса-да, тергов органлари айбланувчининг ўз исботини топган айбини ҳам хужжатлаштириб, қоғозбозлик ва расмиятчилик учун бир қатор ҳаракатларни амалга оширади. Бу эса, жиноят ишини бир мунча вақт дастлабки терговни ўтказиш учун масъул идорада қолиб, қўшимча юкламани оширишга, бюрократия қучайишига, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят ишини бошқа иштирокчиларни тергов организига келиб вақт ва маблағларини сарфлашга, тергов жараёнида вужудга келадиган муаммоли ҳолатларни келиб чиқаришига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабдан хорижий амалиётни ўрганиш натижаси бўйича жиноят ишини соддалаштирилган тартибда юритишнинг энг самарали усусларидан бири – айбига иқрорлик бўйича прокурор ва айбланувчининг келишув институтидир.

Бунда ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноят содир этган шахс тергов организига айбига иқрорлик ҳақида ариза билан мурожаат қиласди. Айбор шахс жиноятнинг барча тафсилотларини ошкор қиласди, етказилган зарарни қоплади ва прокурор билан унга тайинланадиган жазо тури ҳақида келишув тузади. Келишув тузиш учун жабрланувчининг розилиги талаб этилмайди.

Прокурор айбланувчи билан келишувга эришгач, жиноят ишини зудлик билан келишувни тасдиқлаш учун судга юборади.

Жиноят ишини соддалаштирилган ҳолда юритиш институтининг бу күринишининг жорий этилиши айбланувчилар айбига иқрорлик билдирган жиноят ишлари бүйича шахсларнинг ортиқча овора бўлишларини ҳамда жиноят ишини тезкорлик билан судга юбориш ва терговчига иш юритувидаги кенг ҳажмли жиноят ишлари билан чуқурроқ шуғулланиш имконини беради.

Ушбу институтнинг ижобий ва салбий томонлари ҳақида уйлаб кўрадиган бўлсак, келишув институти бугунги кунда тергов, прокуратура ва суд идораларини иш ҳажмини сезиларли даражада қисқартирилишига, асосий эътиборни оғир ва ўта оғир жиноятларни сифатли ва ҳар томонлама тергов қилишга олиб келади. Бу ўз навбатида тергов жараёнини янада соддалаштириш, вақт ва маблағларни тежашга, жабрланувчи ва айбланувчилар ўртасида сўроқлар, юзлаштиришлар ва бошқа процессуал ҳаракатларни ўtkазишга зарурият қолмаса, келишув институтининг асосий салбий томонларидан бири, давлат томонидан жиноятни тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиб, ҳақиқатни юзага чиқаришдан қисман воз кечишини, бу эса Жиноят кодексининг айrim принципларига тўғри келмайди. Яна бир салбий томонига тўхталадиган бўлсак, жабрланувчи томон, айбланувчига қонунда белгиланган жазони энг оғирроини тайинлаш тарафдори бўлади, келишув институтида жабрланувчининг норозилигига ва ҳар бир жиноят учун адолатли жазо бериш принципига тўғри келмаслигини айтиб ўтиш зарур.

# ЖИНОЯТЛАР ҚАНДАЙ ТАСНИФЛАНИШНИ БИЛАСИЗМИ?

**1 ИЖТИМОЙ ХАВФИ КАТТА БЎЛМАГАН**

қасддан содир этилиб, қонунда

**3 Йилгacha**

муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар,  
эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда

**5 Йилгacha**

муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

---

**2 УНЧА ОҒИР БЎЛМАГАН**

қасддан содир этилиб, қонунда

**3 -5 Йилгacha**

муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар  
эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда

**5 Йилдан ортиқ**

муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

---

**3 ОҒИР**

қасддан содир этилиб, қонунда

**5-10 Йилгacha**

муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

---

**4 ЎТА ОҒИР**

қасддан содир этилиб, қонунда

**10 Йилдан-умрбод**

озодликдан маҳрум қилишгача жазо назарда тутилган жиноятлар киради

[www.tergov.uz](http://www.tergov.uz)





ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ИИБ ҲУЗУРИДАГИ ТЕРГОВ  
БОШҚАРМАСИ ВА УНИНГ ҚУЙИ ТИЗИМЛАРИ  
ТОМОНИДАН 2020 ЙИЛ З ОЙИ МОБАЙНИДА  
АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

VILOYATI IV  
DAGI TERGOV  
HQARMASI



Ахмаджон Хусанович Пулатов  
Хоразм вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари-  
Тергов бошқармаси бошлиғи,  
подполковник

Ички ишлар органлари фаолиятига баҳо беришда жиноят ишларини одилона ва сифатли тергов қилиш, шахснинг жиноий қилмишига муносаби, адолатли баҳо бериш муҳим ўрин тутади.

Чунки, ички ишлар органларининг асосий вазифалари сифатида белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширилиши самарадорлигини баҳолаш мезонларидан бири айнан тергов органлари фаолиятининг натижасига асосланади.

Шу жумладан, жорий йилнинг 3 ойи давомида Хоразм вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси ва унинг қуи бўлинмалари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2020 йилнинг 3 ойи давомида вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси ва унинг қуи бўлинмалари томонидан **459 та** (ўтган йилнинг шу даврида **297 та**) жиноят ишлари юзасидан суриштирув ва дастлабки тергов олиб борилган бўлиб, шундан **205 таси** ёки **44,7 фоизи** суриштирувчилар, **254 таси** ёки **55,3 фоизи** терговчилар ҳиссасига тўғри келади.

Тергов ҳаракатлари олиб борилган жиноят ишларидан **258 таси** ёки **56,2 фоизи** тамомланишига эришилган.

Тамомланган жиноят ишларидан:

- **170 таси** ёки тамомланганларга нисбатан **66 фоизи** айблов холосаси ва айблов далолатномаси;

- **36 таси** ёки тамомланганларга нисбатан **14 фоизи** томонларнинг ярашганлиги муносабати билан;

- **1 таси** ёки тамомланганларга нисбатан **0,3 фоизи** тиббий йўсингдаги мажбурлов чораси асосида тегишли судларга юборилган;

- **51 таси** ёки тамомланганларга нисбатан **19,7 фоизи** ЖПКнинг 83–84-моддаларига асосан тугатилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, суриштирувчи ва терговчилар томонидан жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ЖПКнинг 22-моддасига асосан ҳар томонлама, холисона ва тўлиқ олиб борилиши натижасида жорий йилда суриштирув ва тергов олиб борилган **51 та** жиноят иши ЖПКнинг 83–84-моддаларига асосан тугатилган бўлса, шундан **17 таси** ёки тугатилганларга нисбатан **33,3 фоизи** реабилитация асосларига кўра тугатилиб, айби бўлмаган шахсларнинг жавобгарликка тортилиши каби салбий ҳолатларнинг олди олинди. Бу эса ўз навбатида, тергов органлари фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилувчи, шахсни фақатайблайдиган далилларни тўплаш эмас, балки уни оқлайдиган далилларни ҳам тўплайдиган тизимга айланадиганлигини кўрсатади.

Шунингдек, тергов органлари фаолиятининг энг муҳим мезонларидан яна бири фуқароларга, жамият ва





давлатга етказилган моддий зарарни қоплаш масаласидир. Зеро, фуқароларга айбдорнинг қандай жазо олганлиги эмас, балки унга жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг қопланганлиги аҳамиятли ҳисобланади.


Ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинганида, жорий йилнинг 3 ойи давомида тамомланган жиноят ишлари бўйича фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига етказилган моддий зарар миқдори **1 млрд. 241 млн. 505 минг** сўмни ташкил этган бўлиб, шундан тергов жараёнида **868 млн. 562 минг** сўми, яъни **70 фоизи** қопланишига эришилган. Шу билан бирга ундирилмай қолган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг 70 млн. сўмлик молмулклари хатланган.

Тергов фаолиятининг яна бир муҳим йўналишларидан бири бу жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар бўлиб, бу борада Тергов бошқармаси томонидан фуқаролар билан бевосита мuloқotning кенг йўлга қўйилганлиги, ҳар бир мурожаатга индивидуал ёндашилганлиги, муаммоли ариза ва шикоятларни бевосита жойларда

сайёр учрашувлар ташкил этган ҳолда ҳал қилинаётганлиги натижасида мурожаатларнинг камайишига эришилди.

Жумладан, жисмоний ва юридик шахслардан 2019 йил 3 ойи давомида жами **245 та** мурожаат келиб тушган бўлса, жорий йилнинг 3 ойи давомида **182 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **63 тага** ёки **25,7 фоизга** камайишига эришилган. Келиб тушган мурожаатларнинг **159 таси** ёки **87,4 фоизи** ҳал этилган бўлиб, шундан **57 таси** ёки ҳал этилганларга нисбатан **35,8 фоизи** қаноатлантирилган.

Юқоридагилардан ташқари, тергов бўлинмалари фаолиятини баҳоловчи асосий мезонлардан яна бири жиноятларнинг олдини олиш бўлиб, суриштирувчи ва терговчилар томонидан жиноят ишларини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт - шароитларни аниқлаб, тегишли давлат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф қилиш чораларини кўриш



тўғрисида ЖПКнинг 297-моддасига асосан тақдимномалар киритилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 3 ойи давомида вилоят ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси ва унинг тизимлари томонидан **232 та** тақдимнома киритилган бўлиб, киритилган тақдимномаларнинг **227 таси** тегишли муассасаларда шахсан суриштирувчи ва терговчилар иштирокида муҳокама қилиниши таъминланиб, келгусида жиноятларнинг олдини олиш юзасидан тегишли чоратадабирлар белгиланиб, жавоблари олинган.

Шу билан биргалиқда, жиноятчиликка қарши курашиб ҳамда аҳоли орасида ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш мақсадида суриштирувчи ва терговчилар томонидан жойларда **184** маротаба учрашувлар ўтказилган, **9** маротаба оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинган.

Бундан ташқари, 2020 йилнинг 3 ойида жами **30 та** жиноят ишлари ЖПКнинг 364-моддаси талаблари асосида тўхтатилган бўлиб, шундан **26 таси** фош этилмаганлик асоси билан, **4 таси** айланувчиларнинг тергов органидан яширинганлиги туфайли тўхтатилган

жиноят ишларини ташкил этади.

Шунингдек, жорий йилнинг 3 ойи давомида Тергов бошқармаси ва унинг қуий тизимлари томонидан олдинги йиллар билан бирга ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан тўхтатилган жиноят ишларини фош қилиш ва айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш борасида ҳамкорликда амалга оширилган тергов-тезкор ҳаракатлари натижасида **11 та** жиноят иши тегишли судларга юборилган, **13 та** жиноят иши ЖПКнинг 83–84 моддалари тартибида тугатилган, **105 та** жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-банди билан тугатилган.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар тергов бўлинмалари фаолиятининг асосий кўрсатичлари бўлиб, жорий йилнинг 3 ойи давомида бир қатор ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, суриштирувчи ва терговчилар фаолиятида ижобий кўрсатичлар билан бирга бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 3 ойи давомида судлар томонидан оқлов ҳукмлари чиқарилган, прокуратура органлари томонидан қўшимча терговга қайтарилган жиноят ишлари мавжуд



бўлмаса-да, тергов бўлинмалари томонидан терговнинг тўлиқлиги таъминланмаганлиги сабабли судлар томонидан ЖПКнинг 416-моддасига асосан ажримлар чиқарилиши, прокуратура органлари томонидан жиноят ишини тугатиш ҳамда тўхтатиш қарорлари, шу билан биргаликда жиноят иши қўзғатишини рад қилиш ҳақидаги қарорларнинг бекор қилиниши ҳолатлари учрамоқда.

Жорий йилнинг ўтган 3 ойи давомида судлар томонидан **2 та** жиноят иши юзасидан ЖПКнинг 416-моддаси тартибида ажрим чиқарилган бўлиб, туманлар кесимида таҳлил қилинганида, Урганч шаҳри бўйича ИИБ ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими ҳамда Бофот тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов гуруҳи хисобига тўғри келади.

Мисол учун, Урганч шаҳри бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ томонидан ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми "а" банди, 228-моддаси 2-қисми "а" банди ва бошқа моддалари билан айланган С.Т. ва Ш.Б.ларга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилган жиноят ишининг тергови тамомланиб, 22.11.2019 йилда ЖПКнинг 381-моддаси тартибида айлов хulosаси билан суд органларига ўтказиш учун


шаҳар прокуратурасига юборилган.

Бироқ, Ш.Б. ва С.Т.лар олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гурӯҳ бўлиб, ҳужжатларни қалбакилаштирганлик хатти-ҳаракатларида ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми "б" бандида назарда тутилган, яъни олдиндан жиноий тил бириктириб, гурӯҳ бўлиб жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлсада, уларнинг айби ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми "а" банди билан нотўғри малакаланиб, хатоликка йўл қўйилган. Шу сабабли, жиноят ишлари бўйича Хива туман суди томонидан катта терговчи А.А. томонидан йўл қўйилган камчиликни бартараф этиш мақсадида ЖПКнинг 416-моддасига асосан айловни тўлдириш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказиш зарурлиги юзасидан ажрим юборилган.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 3 ойи давомида жиноят ишини тугатиш қарорларининг **15 таси** прокуратура органлари томонидан бекор қилинган бўлиб, туманлар кесимида таҳлили қилинганида:

- Урганч шаҳрида 2 та (2 та тергов);
- Урганч туманида 3 та (3 та тергов);

## Тақдимнома жавоблари



## Киритилган тақдимномалар

- Хива шаҳрида 1 та (1 та тергов);
- Хива туманида 1 та (1 та суриштирув);
- Ҳазорасп туманида 1 та (1 та тергов);
- Янгиарик туманида 1 та (1 та тергов);
- Боғот туманида 1 та (1 та тергов);
- Шовот туманида 4 та (1 та тергов, 3 та суриштирув);
- Қўшкўпир туманида 1 та (1 та суриштирув) жиноят иши тўғри келади.

Ушбу жиноят ишлари бўйича ўтказилган қўшимча тергов ҳаракатлари натижасига кўра, 8 та жиноят иши олдинги асосларга кўра тугатилган, 4 та жиноят иши ЖПКнинг 83-моддасига асосан тугатилган ишлардан бекор қилинган бўлиб, натижасига кўра ЖПКнинг 84-моддасига асосан тугатилган бўлса, 1 та жиноят иши (Боғот тумани ИИБ терговида) айлов хulosаси асосида мазмунан кўриб чиқишлик учун тегишли судга юборилган, 2 та жиноят иши 2020 йил 1 апрель санасига қолдиқ бўлиб ўтган.

Хусусан, Боғот тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми "а" банди билан қўзғатилган жиноят иши юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатлари натижасига кўра

жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилган.

Жиноят иши туман прокуратураси томонидан назорат тартибида ўрганиб чиқилиб, жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари тўлиқ олиб борилмаганлиги, жиноят иши доирасида гувоҳлар тўлиқ сўроқ қилинмаганлиги сабабли, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор асосиз деб топилиб, туман прокуратурасининг қарорига асосан бекор қилиниб, қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказилишини таъминлаш учун Боғот тумани ИИБга юборилган.

Жиноят иши юзасидан Боғот тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов гуруҳи томонидан қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказилиб, натижасига кўра тўпланган далилларга асосан айбор шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан айлов эълон қилиниб, жиноят иши шу куни айлов хulosаси асосида туман прокуратурасига юборилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ижобий ва салбий кўрсаткичлардан ташқари, вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси



томонидан жиноят ишларининг тергов сифатини яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ходимларнинг билим савиясини ошириш, жиноят ишлари буйича ўтказилаётган суриштирув ва тергов ҳаракатлари жараёнида инновацион ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, хизмат ва ижро интизомига риоя қилиш, ходимларга муносаб шарт-шароитлар яратиш ва ижтимоий қўллаб қувватлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жўмладан, вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан тергов йўли билан жиноятларни фош этиш, жиноят процесси иштирокчилари тўғрисида тўлиқ маълумотта эга бўлиш, қидирудаги шахсларни аниқлаш мақсадида жойлардаги ҳар бир тергов раҳбарининг хизмат компьютерига М ва ФРБда мавжуд бўлган "Шакл-1" ва ИИВ Ахборот марказининг "АИБ-Ўзбекистон" ҳамда фуқароларнинг маъмурий ва жиноий жавобгарлиги ҳақидаги маълумотлар базаси ўрнатилиши таъминланиб, ушбу базаларнинг узлуксиз ишлаши кундалик текширилиб, электрон

базаларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, тергов бўлинмаларига ўрнатилган жами 13 та "Yurida" электрон дастуридан ташқари, терговчи ва суриштирувчиларининг барчасининг хизмат компютерларига "Yurida" электрон ҳуқуқий базаси ва имло хатоларсиз ёзилишини таъминлаш мақсадида "Yurida-orfo" электрон базалари ўрнатилиб, ходимлар база имкониятларидан хизмат фаолияти давомида тўлақонли фойдаланиб келмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йилдаги "Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2898-сон Қарори талабларидан келиб чиқиб, сўроқ жараёнини стенография қилиш, видео-кузатув, шунингдек, тергов ҳаракатларини аудио ва видео қайд этиш мақсадида вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасида маҳсус тергов хонаси ҳамда вояга етмаганлар хонаси ташкил қилиниб, тўлиқ таъмирлаш ишлари амалга оширилди ҳамда хоналар



техника воситалари, мебель ва бошқа интеръер воситалари билан жиҳозланиб, ушбу хоналарда тергов ҳаракатлари ўтказилиши йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, ҳодиса жойини кўздан кечириш ва бошқа шу билан боғлиқ тергов ҳаракатлари жараёнида терговчи ва суриштирувчиларга қулайлик яратиш мақсадида вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси ташабbusи билан терговчи ва суриштирувчилар хизмат давомида фойдаланиши учун 40 дона махсус тергов сумкалари билан таъминланди.

Худди шунингдек, жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида, жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида ҳамда айбланувчилар томонидан гаров тариқасида тақдим этилган пул маблағлари Тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига топширилиши йўлга қўйилган бўлиб, депозит ҳисоб рақамига топширилган айланма пул маблағларидан келган фоиз эвазига ҳар ойда вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси ва унинг жойлардаги қуий тергов тизимлари ходимларига қофоз ҳамда бошқа канцелярия моллари олиниб, хизмат давомида фойдаланишлари учун тарқатиб берилмоқда.

Шунингдек, ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлиги ва тергов қилганлиги учун 16 нафар терговчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.09.2017 йилдаги 727-сонли қарорига асосан пул мукофотлари билан тақдирланди.

Бундан ташқари, вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси ва унинг қуий тизимларида иш самарадорлигини ошириш, иш жараёнида замонавий технологияларни жорий этиш, ижрочилик интизомини самарали ташкил этиш мақсадида, тергов ва суриштирув ходимларининг барчаси компютер техникаси билан тўлиқ таъминланди.

Юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик

назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2019 йил 13 декабрдаги 4551-сон қарорининг 3-бандида, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб:

Шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоясидан воз кечиши ҳаракатларини мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартиби жорий этилган, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига улар томондан шахс ушланганидан сўнг унинг ушланганлиги ва ушлаб турилган жойи тўғрисида унинг оила аъзоларидан бирини, улар бўлмаган тақдирда эса, бошқа қариндошларини ёки яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиш бўйича мажбурият юкланиши белгиланган бўлиб, мазкур қарорда қўйилган талаблардан келиб чиқиб, Хоразм вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси ва унинг қуий тизимларига жами **53 та** видеоетасвирга тушириш камералари ўрнатилиб, хизмат фаолияти давомида фойдаланиб келинмоқда.

Тергов бошқармаси ва шаҳар-туман ИИБ ҳузуридаги тергов тизимларига ўрнатилган жами 53 та (Hikvision русумли) видео тасвирга тушириш камералари локал тартибида Тергов бошқармаси маҳкамасида марказга уланиб, барча тергов тизимларида хизмат олиб бораётган суриштирувчи, терговчиларни хатти-ҳаракатларини процессуал ва идоравий назорат тартибида кўриб турish имконияти яратилди.

Юқоридаги таҳлиллар асосида жиноят ишларининг прокуратура органлари томонидан қўшимча терговга қайтарилиши, судлар томонидан ЖПКнинг 416 ва 417-моддалари асосида ажримлар ҳамда оқлов ҳукмларининг чиқарилиши, шунингдек, прокуратура органлари томонидан терговчиларга нисбатан тақдимнома киритилиши, интизомий иш қўзғатиш ҳақидаги қарорлари, судлар томонидан хусусий ажримлар чиқарилишининг олдини олиш ҳамда 2020 йилнинг 2-ярим йиллиги давомида ижобий кўрсаткичларга эришиш



мақсадида қуидаги чора-тадбирларни амалға ошириш тақлиф этилади:

- суриштирувчи ва терговчилар томонидан хизмат ва ижрочилик интизоми ҳамда қонунийликка қатъий риоя қилиниши;
- юритувдаги терговга қадар текширув материаллари ҳамда жиноят ишлари бүйича ЖПКнинг 22-моддаси талблари асосида ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилиши;
- процесс иштирокчилари билан қонунда белгиланган доирада, хушмуомала муносабатда бўлиб, асосий эътиборни уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга ҳамда фуқаролар томонидан асосли норозилик келиб чиқмаслигининг олдини олишга қаратиш;
- суриштирувчи ва терговчиларнинг

билим ҳамда малакасини ошириш мақсадида белгиланган ўқув режаси асосида Адвокатлар палатасининг тажрибали адвокатлари, прокуратура органларининг малакали ходимлари, судьялар ҳамда эксперт ва мутахассисларни тақлиф этган ҳолда мунтазам равишда ўқув машғулотлари ташкил этиб боришни;

- янги қабул қилинган қонун ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларни суриштирувчи ва терговчиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг мазкур қонун ва норматив-хуқуқий ҳужжатларни қай даражада ўзлаштирганларни юзасидан синовлар қабул қилиб боришни;

- жиноят ишлари бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги ҳамда тергов ҳаракатларининг сифати устидан назорат кучайтиришни, ҳар бир қўшимча терговга қайтарилган, судлар томонидан оқлов ҳукмлари ҳамда





ЖПКнинг 401<sup>1</sup> ва 416-417-моддалари асосида ажримлар чиқарилган ҳолатлар, шунингдек дастлабки терговни тұхтатиш, жиноят ишини тугатиш ва жиноят ишини құзғатишиңи рад қилиш қарорлари бекор қилингандығы ҳолатлари ҳамда прокуратура органлари томонидан терговчиларга нисбатан тақдимнома киритилиши, интизомий иш құзғатиши ҳақидағы қарорлари, судлар томонидан хусусий ажримлар чиқарылған ҳолаттарининг олдини олиш ва келгусида бу каби камчиликларга қайта йўл қўймаслик мақсадида, ушбу камчиликларни барча шахсий таркиб эътиборига етказиб, чукӯр таҳлил қилиш, зарур ҳолларда хизмат текширувлари ўтказилиб, айборд ҳодимларга нисбатан интизомий таъсир чоралари кўриб бориши;

- жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориша ЖПКнинг 345 ва 381<sup>2</sup>-моддалари талабларига асосан жиноят ишининг терговга тегишлилиги ҳақидағы нормаларга тўлиқ риоя этилиши ҳамда тергов ва суриштирув муддатларига қатъий риоя этиб борилиши таъминланишини;

- жиноят оқибатида фуқароларга, давлат ва жамиятга етказилган моддий заарни ундириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, суриштирув ва тергов ҳаракатлари жараёнида етказилган моддий заарни ундириш чоралари кучайтиришни;

- суриштирув ва дастлабки тергов натижасига кўра, айборликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчининг фойдасига ҳалқилиниб, уларнинг ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмаслиги учун мунтазам равишда жиноят ишлари назорат тартибида ўрганиб бориши;

- эски йилдагилар билан бирга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 1 ва 2-бандлари асосида тұхтатилган жиноят ишлари бўйича ҳар чорак якуннда шаҳар-

туман ИИБ ЖҚБ ва вилоят ИИБ Тезкор маълумотлар бўлими ҳодимлари билан ҳамкорликда таққословлар ўтказилиб, жиноят қидирав хизматлари томонидан тезкор-излов ва қидирав ишларини жадалластириш чоралари кўрилишини.


- Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 370-моддаси талаби асосида, дастлабки терговни тұхтатиш асосларига қараб ички ишлар органлари ва бошқа ваколатли органлардан айбланувчitariqasida ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсларни аниқлаш, яшириниб юрган айбланувчиларни қидириб топиш учун кўрилаётган чоралардан мунтазам хабардор бўлиб туриш мақсадида сўров хатлари юбориш, маълумотлар ва тушунтирувлар олиш, жамоатчиликнинг ёрдамидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратиб бориши;

- тергов бўлинмалари иш юритувидағи жиноят ишлари бўйича терговга келмасдан, номаълум томонда яшириниб юрган шахсларни кундалик рўйхатини тузиб, жиноят қидирав хизмати ва Тезкор маълумотлар бўлимига тақдим этиб бориши;

- жиноят ишларини тергови жараёнида, жиноятларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни тўлиқ ўрганиш, бунда жиноятни содир этилишига имкон берган ҳолатлар юзасидан мансабдор шахсларни сўроқ қилиш ва уларнинг хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо бериш ҳамда жиноятларни содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитлар юзасидан тегишли корхона, муассаса ва ташкилотларга ҳамда фуқаролар йиғинига киритилаётган тақдимномалар сифатли бўлиши ҳамда уларнинг муҳокамасида худуд сектор раҳбарлари ва тергов раҳбарларини иштироки таъминлашни.



## ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ



**Ходжабаева Наргиза Исаковна**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги  
Тергов департаменти Тергов фаолиятини  
ташкиллаштириш бошқармаси  
ўМИБ терговчиси,  
подполковник

**Одам савдоси** - инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмушки ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик қўринишиларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқук ва эркинлиги ҳимоясини таъминлаш асосий қадриятга айланган ушбу даврда, бу мудҳиш иллат ноқонуний қурол савдоси, гиёхвандлик воситаларининг файриқонуний муомаласи каби оғир оқибатларни келтириб чиқарди.

Одам савдоси дунё ҳалқларини ташвишга солаётган жиддий муаммолардан биридир. Зоро, у ҳудуд ва чегара танламайди. Шу боис ушбу жиноятга қарши самарали кураш олиб бориша давлатлараро ҳамкорлик мухим аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган. Қолаверса,

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ ҳалқаро ҳужжатга қўшилган ва БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган б та асосий ҳалқаро шартномалар иштирокчисига айланган. Шунингдек, хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосига қарши курашишга қаратилган 30 тадан ортиқ шартнома ва келишув имзоланган.

Айниқса, мамлакатимизда «Одам савдоси қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда давлатимиз раҳбарининг «Одам савдоси қарши курашиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши, унга асосан одам савдоси қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ташкил этилиши ушбу трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини янада оширди.





**Биринчидан,** ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ва ҳуқуqlарида эркин ва тенг бўлиб туфиладилар, ушбу қоида 1948 йилда қабул қилинган БМТнинг Инсон ҳуқуqlари умумжаҳон декларациясида, шунингдек, бир қатор ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Одам савдоси эса инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказади, уни турли ҳўрлик ва камситишларга дучор этади. Одам савдоси деб аталмиш ушбу жиноий фаолият ортида мажбурий меҳнат, қуллик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш, фоҳишибозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабиҳ қилмишлар мужассамдир.

**Иккинчидан,** одам савдоси жиноятчилар учун сердаромад манба бўлиб қолмоқда. Ҳалқаро эксперктарнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган ийллик даромад 7 млрд. АҚШ долларидан ошмоқда. Афсус билан


таъкидлаш керакки, дунёда «одам савдоси» бозори ва унга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда<sup>1</sup>.

Шу боис жиноий тузилмалар ушбу ноқонуний фаолият билан шуғулланишнинг турли йўлларини қидириш, мақсадини амалга оширишни енгиллаштириш учун ҳалқаро жиноий ўюшмалар ташкил этиш, давлат хизматчиларини ўзларига оғдириш пайда бўладилар. Бу эса, трансмиллий ўюшган жиноятчилик, коррупция каби хавфли иллатларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлади.

**Учинчидан,** одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ўз «кирдикорлар»ини яшириш мақсадида бундай савдонинг қурбонига айланәётган шахсларни имкон қадар эътибордан четда тутишга ҳаракат қиласидар. Аввало, бунинг учун одамларни хорижга ноқонуний йўллар билан олиб чиқишга, паспорт ва шахсий ҳужжатларини қалбакилаштиришга уринадилар.

Бу ҳолат эса ноқонуний миграция

1

[www.fikr.uz](http://www.fikr.uz)



салмофининг ортишига, муайян давлат худудига ноқонуний кириб келганлар сонининг ортиб, иқтисодий, демографик ва криминоген вазиятга салбий таъсир қўрсатишига, шунингдек, хорижга чиқиш ва муайян давлат худудида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келади.

**Тўртингидан,** одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар бундай савдонинг қурбонига айланәётганларни имкон қадар ўз назоратида ушлаб туриш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида, уларнинг шахсига оид ҳужжатларни (паспорт, миграция карточкаси ва ҳ.к) ноқонуний эгаллаб, хорижий давлатда эркин ҳаракатланиш, ҳимояси остида бўлган давлатнинг тегишли ваколатхоналарига мурожаат этишига тўсқинлик қиласилар.

Оқибатда бундай шахслар ўзини ҳуқуқий ҳимоялаш имкониятидан маҳрум этилади.

**Бешинчидан,** одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ўз хусусиятига кўра латент характерга эга. Чунки, одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазийк ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар

ошкор бўлиши ёки ўзининг ноқонуний хорижга чиққанлиги фош бўлишидан чўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар.

Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланган шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ҳамда жиной фаолиятини давом эттиришига олиб келади.

Шу боис, дунё мамлакатларида одам савдосига қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, бу тадбирга давлат идоралари, қолаверса, жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари, оммавий аҳборот воситалари кенг жалб этилмоқда.

Дунёда одам савдоси билан боғлиқ вазият таҳлили бу борадаги аҳволнинг ҳамон жиддийлигича қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 млн. 700 мингта шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили 600 мингдан 800 минг нафаргача аёллар ва болалар алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда<sup>2</sup>.



Ким одам савдоси жабрланувчиси бўлиши мумкин? Албатта, фиригарлар билан ўз хуқуқини биладиган, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммолардан ҳоли бўлган шахсларни тўқнаш келиши хавфи камроқ. Лекин, одам савдоси билан шуғулланувчилардан ҳамма бирдек: жинсий, миллати, ирқи, диний эътиқоди ва бошқалардан қатъи назар жабр кўриши мумкин.

### **Нима учун жабрланувчига айланадилар?**

- Серҳашам ҳаёт тарзини ошкора намойиш қилиниши (ёшлар қандай йўл билан бўлса ҳам пул топиш илинжида бўлиши);
  - Оиласвий муносабатларни мустаҳкам ўрнатилмаганлиги ва оила аъзолари томонидан қўллаб-куvvatlanmaslik;
  - Ижтимоий заиф гурӯхлар орасида: меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, ноқобил-нотинч оиласлар, қаровсиз қолганлар) кузатилиши;
  - Ижтимоий-иқтисодий жараён (иҳсизлик, билим даражасининг пастлиги);
  - Иш билан таъминланган эркакларга нисбатан иш билан таъминланган аёллар сонининг камлиги, шу сабабли аксарият ҳолларда аёллар муаммо билан тўқнаш хавфida бўлишади;
  - Ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилинmaslik ҳоллари (вояга етмаганларга нисбатан шаҳвоний хатти-ҳаракатларни содир этилиши одатий ҳолга айланиб бораётганилиги);
- Одам савдоси билан боғлиқ ҳолатга тўқнаш келганлар биринчи навбатда реабилитация ёрдамига эҳтиёж бўладилар. Уларга:
- Психологик
  - Тиббий
  - Хуқуқий ёрдам кўрсатилиши зарур.

3 <http://zaryasurxana.uz/?p=88>

Жабрланувчиларни келгусида реинтеграция жараёнида қўллаб-куvvatлашга қаратилган дастур, лойиҳа ва режалар амалга ошириб келинмоқда, касб-хунар билан таъминлаб, ишга жойлашишда кўмаклашилмоқда.

Мазкур муаммога қарши биргаликда ҳаракат қилиш, жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тегишли идора ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни талаб этади.

Айтиш керакки, одам савдоси жиноятига қарши курашиш борасидаги меъёрий-хуқуқий базани такомиллаштириш натижасида мазкур жиноятдан жабрланган фуқароларнинг мутасадди шахс ва ташкилотларга мурожаат этиш ҳоллари фаоллашди.

Сўнгги йиллар давомида республика изида одам савдосидан жабрланган фуқаролар томонидан тушган аризалар асосида 300 дан ортиқ жиноят иши қўзғатилган. Жабрланганларнинг бир қисми шаҳвоний мақсадларда эксплуатация қилинган, аксарияти Сурхондарё вилояти худудида одам савдосининг қурбони бўлишган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, одам савдосининг қурбони бўлган фуқароларнинг кўпчилигини 25-30 ёшдаги эркаклар ва 18-25 ёшдаги аёллар ташкил этмоқда. Ачинарлиси, одам савдоси билан боғлиқ жиноятни содир этганлар орасида аёлларимизнинг борлигидир<sup>3</sup>.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан ўрта ва кичик бизнеснинг барқарор тараққий этиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Албатта, бу имкониятлар замирида аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш каби эзгу ниятлар мужассам.

Кўпинча ҳаётда ўз ўрнини топмаган, бирор бир касб-хунарни эгалланмаган кишилар хорижга чиқиб ишлаш,



қисқа фурсатда бойиб кетиш хаёлида бўлишади. Ваҳоланки, бирон-бир қасбни пухта ўзлаштирмай туриб, осонликча пул топиш мумкин, деган ақидага ҳеч қачон таянмаслик лозим. Хорижга ишлашга чиқиш ҳам фуқаролардан маълум даражада тайёргарликни талаб этади.

Одам савдоси жинояти орқали тирикчилик қилишни қўзлаган товламачилар атрофдаги содда ва моддий жиҳатдан эҳтиёжманд бўлган кишиларнинг ишончига кириш орқали, уларни тез орада бойиб кетишига ишонтириб, ўз тузоқларига илинтиromoқда. Аччиқ бўлса-да айтиш керакки, одамфурушлиқдан пул топиб, кун кечиришни одат этган жиноятчилар учун маҳалла-куйчилик, қон-қариндошлиқ ришталарнинг сариқ чақалик аҳамияти қолмайди. Улар учун инсонтирик товар, катта фойда келтирувчи савдовоситасига йиланади. Ўзманфаати йўлида юртдошини, маҳалладоши, қон-қариндошини ҳам сотиб юбораётганлар борлиги ачинарли ҳол, албатта.

Одам савдоси жинояти замонавий қуллик шаклида аёллардан, айниқса, ёш қизлардан шахвоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллаш, шахсларнинг жиноят қурбонига айланишидан

ташқари, уларга кучли руҳий жароҳат етказилаётгани билан ҳам ҳавфидир.

Пахтаободли Мавжуда (исм шарифи ўзгартирилган) муқаддам фоҳишахона ташкил этиш, шунингдек ғаразли ва бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш жиноятларини содир этганлиги учун Жиноят Кодексининг тегишли моддасига асосан муқаддам судланган. Аммо бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, ҳеч қандай фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, такрор-такрор одам савдоси сирасига кирувчи жиноятларни содир этиб келган.

У ўзининг уйида "мижозлар"нинг жинсий алоқа қилишлари учун шартшароит яратиб, фоҳишахона ташкил этган. Бир нечта ёш қизларни ўзига иқтисодий жиҳатдан қарам қилиб, ойлаб, ҳатто йиллаб ўз уйидан чиқармаган ва "мижозлар"нинг шахвоний мақсадларини қондиришда хизмат кўрсатишга унданаган.

Жиноятчи аёл қизларни мажбур қилиш орқали қарзларини узишга унданаган, ўз манфаати йўлида фойдаланган. Бу ҳаракатлари билан Мавжуда фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш, қўшмачилик қилиш, одамлардан фойдаланиш учун икки ёки ундан ортиқ



шахсни ёллаш, ўзига моддий жиҳатдан қарам бўлган жабрланувчиларни шаҳвоний хизматлар кўрсатишига мажбур қилиш, ҳатто бошқа тумандаги қўшмачилар билан ўзаро жиноий тил бириткириб қизларни бир-бирига сотиш ва ишлатиш, бирони зўрлаб ғайриқонуний равища озодликдан маҳрум қилиш каби жиноятларни содир этган.<sup>4</sup>

Одам савдоси жиноятидан азият чеккан фуқароларнинг вақтида ҳуқуқтартибот идораларига мурожаат қилмасликлари, ҳуқуқий билим савиясининг паст бўлиши жиноятчилар томонидан ноқонуний фаолиятларини бемалол давом эттиришларида қўл келмоқда.

Бундай вазиятларнинг олдини олиш учун, аввало, аҳолининг ҳуқуқий онги юқори бўлиши талаб этилади.

Қуйидаги диаграммада 2019 йилда ва 2020 йилнинг 3 ойида ЖКнинг 135-моддаси билан тергов қилинган жиноят ишлари, судларга юборилган ишлар сони ҳамда айбланувчилар

4 <http://zaryasurxana.uz/?p=88>




сони Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида берилган.

Шунинг учун фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, одам савдоси жиноятининг қурбони бўлиб қолишиларининг олдини олиш мақсадида жойларда маҳалла фаоллари, ҳалқ таълими ходимлари, "Истиқболли авлод" ёшлар ахборот-маърифий маркази вакиллари иштироқида мунтазам равища сұхбат ва учрашувлар ўтказиб борилмоқда. Бу ишда оммавий ахборот воситаларининг ҳиссаси ҳам катта бўлмоқда.

2019 йил 30 июлда Ўзбекистон Президентининг "Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиб тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5775 - сонли Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон асосида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор тадбирлар белгиланди. Жумладан:

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

**2019-2020 йилнинг 3 ой давомида**  
ЖКнинг 135-моддаси билан тергов қилинган жиноят ишлари бўйича жабрланувчилар одам савдосидан жабрланган ҳудуди бўйича тузилган маълумотнома



бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди ва Миллий комиссия:

а) Миллий комиссия раисининг ўринбосари ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири раҳбарлик қиласидаги Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссиядан;

б) Миллий комиссия раисининг ўринбосари ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири раҳбарлик қиласидаги Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссиядан иборат бўлиши белгилаб қўйилди.

(Маълумот учун; олдин улар алоҳида комиссия бўлган, ИИВда одам савдоси бўйича комиссияга вазир 1-ўринбосари

райс бўлган).

## 2. Миллий комиссия:

– «Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия тўғрисида»ги Низоми лойиҳаси ишлаб чиқилди;

– Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиянинг 14 октябрь куни тасдиқланган 2-сонли йиғилиш баённомасига асосан “2019-2020 йилларда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режаси” ҳамда «Ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш бўйича медиа-режалар» тасдиқланди ва ижрога қаратилди.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари зиммасига одам савдосига





ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича худудий комиссияларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилди.

4. Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги миллий қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Миллий комиссиянинг тақдимномалари сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш худудий комиссияларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

5. Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий маърузачи институти таъсис этилиб, унинг функциялари Миллий комиссия раиси зиммасига юклатилди.

6. Ички ишлар вазирлиги томонидан "Одам савдосига қарши

курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаси тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган. Ҳозирда қайта кўриб чиқиш бўйича топшириқлар олинган. Қонундан келиб чиқсан ҳолда жабрланувчиларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш механизмларини тартибга солувчи қонуности ҳужжатлар мажмуаси ишлаб чиқиласди.

7. ИИВда 2018 йилдан республика идораларо комиссиянинг миллий даражадаги ([www.ht.gov.uz](http://www.ht.gov.uz)) веб-сайти қайта ишлаб чиқилиб, одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия веб-сайтига ўзгаририлди.

**Хулоса ўрнида** шуни таъкидлаш жоизки, мазкур чора-тадбирлар Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш йўналишида ҳамда

### Одам савдоси жиноятидан жабрланганлар сони



2019 йил 3 ой



2020 йил 3 ой

## 2019 йил 3 ой ва 2020 йилнинг 3 ойда ЖКнинг 135-моддаси билан тергов қилинган жиноят ишлари



давлат раҳбари ва турли идоралар масъул раҳбарлари даражаларида астойдил саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Ва бу ҳаракатлар албатта инсоният учун долзарб бўлиб қолаётган бир даврда ўзининг самарали натижасини беради деб ҳисоблаймиз.



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТЕРГОВ БҮЛИНМАЛАРИДА КАРДЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА УЛАРНИНГ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ



Солиев Элбек Рустамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги  
Тергов департаменти Кадрлар бўлинмаси  
катта инспектори,  
майор



Ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг суриштирувчи ва терговчи лавозимларига хизматга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш, лавозимдан озод этиш ва хизматдан бўшатиш Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2898-сонли ҳамда «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сонли Қарорларига мувофиқ, шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатларга асосан, вазирлик Академияси, олий юридик таълим муассасалари битирувчилари ҳамда бошқа соҳавий хизматларнинг хуқуқшунос мутахассислигига эга ходимлари ҳисобидан жамлаб борилади.

Тергов бўлинмалари хизматига қабул қилишда эътиборга олинадиган яна бир муҳим талаблардан бири, ўзи ва унинг яқин қариндошлари қонунга итоаткор руҳида тарбияланган, маҳалла ва яшаш жойидан ижобий тавсифланган, юриш туриши, одоб-аҳлоқи билан бошқаларга намуна бўла оладиган, соғлиғининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ички ишлар органи ходимининг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлиши лозим.

Хизматга муносиб номзодларни танлаб олиш мақсадида таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, мудофаа ишлари бўйича бошқарма (бўлим)ларида, аҳоли турар жойларида, ташкилот ва муассасаларда мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади, оммавий ахборот воситаларида қабул ва бўш лавозимлар тўғрисида эълонлар жойлаштирилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида очиқ эшиклар куни ўтказилади.

Тергов бўлинмаларига танлов

асосида, ихтиёрий тартибда ёши ўн саккиздан кичик ва ўттиздан катта бўлмаган, шу жумладан ўттиз ёшдаги ҳам, тегишли юридик маълумотга эга, шахсий ва ишчанлик сифатлари, соғлиғининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ходимнинг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган бўйи 165 сантиметрдан паст бўлмаган эркаклар ва 160 сантиметрдан паст бўлмаган аёллар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари) қабул қилинади.

Эркаклар хизматга киргунига қадар Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларидағи муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўташи ёхуд олий ўкув юртларида ҳарбий тайёргарликдан ўтиши керак.

Алоҳида ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори, фармойиши, шунингдек розилиги ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёхуд Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғига асосан бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан ходимлар, шунингдек, ички ишлар органларининг катта амалий иш тажрибасига эга пенсионерлари, белгиланган талабларини инобатга олмаган ҳолда хизматга қабул қилиниши мумкин.

Хизматга (кейинги ўринларда – номзод) кириш истагини билдирган шахс доимий прописка жойи бўйича ички ишлар органларига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Хизматга қабул қилиш тўғрисида ариза;
- паспорт нусхаси;
- түғилганлик ҳақида гувоҳномаси нусхаси;
- ФХДЁ органларидан маълумотнома (түғилганлик ҳақида гувоҳномага ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритилган ёки алмаштирилган ҳолларда);
- қариндошларининг (ота-она, эр-хотин, фарзандлар, aka-укалар, опа-сингиллар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, aka-укалари, опа-сингиллари) паспортнусхалари, никоҳқайдэтилганлиги ёки бекор қилинганлиги, ногиронлик (агар



мавжуд бўлса), қариндошларининг ўлими хақидаги гувоҳномалари нусхалари (асли кўрсатилган ҳолда);

- 3 x 4 см ўлчамдаги олтита рангли фотосурат (бош кийимсиз), шунингдек 9 x 12 см ўлчамдаги иккита фотосурат (бош кийимсиз);
  - номзоднинг таржимаи ҳоли;
  - анкета-маълумотнома;
  - ўқиш, иш (агар ўқиётган ёки ишлаётган бўлса) ва яшаш жойидан тавсифнома ҳамда маълумотнома (оила аъзолари кўрсатилган ҳолда);
  - олий юридик маълумотни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
  - асли кўрсатилган ҳолда ҳарбий гувоҳнома нусхаси;
  - прописка жойи бўйича белгиланган намунадаги соғлиғининг ҳолати ҳақида маълумотнома (бўй параметри кўрсатилган ҳолда), асли кўрсатилган ҳолда меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Хизматга қабул қилиш номзоднинг доимий прописка жойи бўйича ички ишлар органлари томонидан дастлабки ва якуний танловлар асосида амалга оширилади. Танловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун ички ишлар органларида қабул комиссиялари тузилади.

Танловлар номзоднинг хоҳишига кўра давлат, қорақалпоқ ёки рус тилларида ўтказилади.

Дастлабки танлов тадбирлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- дастлабки сұхбат;
- психологик тест;
- умумжисмоний тайёргарлик дарражасини баҳолаш.

Дастлабки танлов тадбирлари уларнинг турларидан келиб чиқиб, тегишли мутахассислар томонидан ўтказилади.

Дастлабки танлов, дастлабки сұхбат, психологик тест ва умумжисмоний



тайёргарлик даражасини баҳолашнинг умумлаштирилган натижаларига кўра якунланади.

Дастлабки танловлардан муваффақиятли ўтган номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларини расмийлаштириш ички ишлар органларининг кадрлар бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Номзоднинг тегишли ҳужжатларини йиғиш жараёнида унга бир пайтнинг ўзида хизматга яроқлилик даражасини аниқлаш мақсадида ҳарбий-тиббий комиссиясига йўлланма берилади. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, ички ишлар органларида хизматни ўташга тўсқинлик қиласидаги касаллиги ёки жисмоний нуқсонлари бўлган, бошқа давлат органларидан салбий сабабларга кўра бўшатилган, шунингдек, содир этган жинояти учун муқаддам судланган (қўлланилган жазо туридан, судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган ва амнистия акти қўлланилгандан қатъи назар) фуқаролар хизматга қабул қилиниши мумкин эмас. Шахсий ҳужжатлар йиғма жилди тўлиқ расмийлаштирилиб, ҳарбий-тиббий комиссия томонидан хизматга яроқли деб топилган тақдирдагина, номзод якуний танловга қўйилади.

Якуний танлов номзод билан якка тартибдаги сұхбат шаклида ўтказилиб, сұхбат давомида унинг ақлий салоҳияти, хизмат ўташга руҳан тайёрлиги, киришимлилиги, шунингдек, ходим учун зарур бўлган бошқа маънавий-ахлоқий ва касбий жиҳатдан муҳим хислатлар баҳоланади.

Якуний сұхбат натижаларига кўра номзоднинг хизматга касбий жиҳатдан яроқлилиги тўғрисида холоса чиқарилади.

Танловда иштирок этадиган номзодларнинг сони чекланмайди. Якуний танловда, қоида тариқасида, бир лавозимга камида иккита номзод иштирок этиши лозим.

Хизматга, мавжуд бўш лавозимларни ҳисобга олган ҳолда якуний танлов натижаларига кўра, якка тартибдаги сұхбатдан муваффақиятли ўтган номзодлар қабул қилинади.

Якуний танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар, ички ишлар органи қабул комиссиясининг хulosаси асосида, хизматга қабул қилиш ваколатига эга бўлган бошлиқнинг бўйруфи билан лавозимга яъни суриштирувчи лавозимига тайинланади.

Хизматга қабул қилишда ходимга хизмат гувоҳномаси ва шахсий рақамли жетон берилади.

Ходимнинг хизмат гувоҳномаси ўқотар қуролни олиб юриш ва сақлаш ҳуқуқини, шунингдек, қонунга мувофиқ унга берилган бошқа ҳуқуқ ва ваколатларини тасдиқлайди.

Хизматга янги қабул қилинган номзодларга уларни лавозимга тайинлаш билан бир вақтда дастлабки синов мuddати белгиланади ва мураббий бириктирилади.

Тергов бўлинмаларида хизматга янги қабул қилинган ходимларга ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари битирувчиларида, шунингдек сафдор ва сержантлар таркиби лавозимларида хизмат қилиб, кейинчалик тергов бўлинмаларида офицерлик лавозимларида тайинланган ходимларни хизматга ва жамоага мослашиш, амалга ошираётган фаолиятида натижадорликка ва юклатилган вазифаларни самарали бажаришга интилишни сингдириш, уларда амалий иш қўнікмаларини шакллантириш ва хизмат бурчига масъулият ва ташаббускорлик билан муносабатда бўлишини тарбиялаш мақсадида унга мураббий бириктирилади.

Ички ишлар органларида мураббийлар мутахассислик бўйича камида беш йил хизмат қилган, юксак касбий фазилатларга, хизматда самарали кўрсаткичларга ва тарбиявий йўналишда қўнікмаларга эга бўлган энг тажрибали ходимлар орасидан танлаб олинади, уларга, қоида тариқасида, бир нафар офицерлар таркибидан бўлган ходим, уч нафаргача сержантлар таркибидан бўлган ходимлар, беш нафаргача сафдорлар таркибидан бўлган ходимлар бириктирилади.

Хизматга янги қабул қилинган



ходимларга ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг, жумладан касбий тайёргарлик факультети битирувчилари га бириктирилган мураббийларга лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама ҳақ тўланади.

Шу билан бир қаторда, мураббийлар ўзларига бириктирилган ходимларнинг таълим-тарбиясига масъулиятсизлик билан ёндашганида, шунингдек ходимлар лавозимга киришиши даврида хизмат интизомини бузган ҳолларда мураббийлар, айблилик даражасидан келиб чиқиб, эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазога тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2898-сонли қарори ҳамда Ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2017 йил 12 июндаги 100-сонли буйруғи қабул қилиниб, мазкур буйруқ билан тасдиқланган йўриқномада ички ишлар органларида тергов бўлинмаларининг мақоми ва хизматни ўташ тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти бевосита Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига ҳисобот берадиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг мустақил бўлинмаси ҳисобланади

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари тизимига Тергов департаменти, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда хавфисизликни таъминлаш бош бошқармаси тергов фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар, Тошкент вилоят ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), шунингдек, транспортда хавфисизликни таъминлаш бошқарма (бўлим)лари бошлиқлари га бўйсунадилар ва ҳисобот берадилар.

(бўлимлари), шунингдек, транспортда хавфисизликни таъминлаш бошқарма (бўлим)лари ҳузуридаги тергов бўлинмалари (бўлинмалари, гурухлари) киради.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар, Тошкент вилоят Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармалари га тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар, Тошкент вилоят ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқ ўринбосарлари бошчилик қиласи.

Тергов бўлинмалари суриштирув, дастлабки терговни ташкил этишва амалга ошириш масалаларида юқори турувчи тергов бўлинмалари га ҳамда Тергов департаментига, ички ишлар органларида хизматни ўташ масалаларида эса - тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда хавфисизликни таъминлаш бош бошқармаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар, Тошкент вилоят Ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), шунингдек, транспортда хавфисизликни таъминлаш бошқарма (бўлим)лари бошлиқлари га бўйсунадилар ва ҳисобот берадилар.

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятига аралашиб, шунингдек, уларнинг ходимлари томонидан ўз ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш ҳамда уларнинг бажарилиши шарт бўлган қарорларини бажармаслик қонунда ўрнатилган тартибда жавобгарлика сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрдаги Қонунига асосан ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари суриштирувчилари, терговчилари ва бошлиқлари га нисбатан жиноят ишлари Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган



прокурорлар томонидан, Тергов департаментининг терговчилари, бўлинма бошлиқлари ва бошлиғига нисбатан эса - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан кўзғатилиши мумкин.

Тергов бўлинмалари ходимларини ҳимоя қилиш, асоссиз ички ишлар органларидан бошқа соҳавий хизматларига ўтиб кетишларини ва бўшатилишларини олдини олиш мақсадида тергов бўлинмалари ходимларини эгаллаб турган лавозимларидан озод этиш, хизматдан бўшатиш ҳамда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматларига ўтказиш Тергов департаменти бошлифининг розилиги билан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, ходимларни интизомий жавобгарликка тортишда

қатор мажбурий талаблар белгилаб қўйилди. Жумладан:

- Куйидаги ходимлар Тергов департаменти бошлиғи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг бўйруғи билан интизомий жавобгарликка тортилади:
  - Тергов департаментининг ходимлари;
  - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси тергов фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи ва ходимлари;
  - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари хузуридаги Тергов бошқармалари бошлиқлари;
  - Тошкент шаҳрининг туманлари



бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари тергов бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилиш бўлинмалари бошлиқлари;

- Тошкент минтақасидаги темир йўл транспортида ва Тошкент шаҳри аэропортларида хавфсизликни таъминлаш бошқармалари ҳузуридаги тергов бўлимлари бошлиқлари ва ходимлари.

Кўйидаги ходимлар тергов бошқармалари бошлиқлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг бўйруқлари билан интизомий жавобгарликка тортилади:

- Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги Тергов бошқармалари ходимлари;
- Тошкент шаҳрининг туманлари бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари тергов

бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилиш бўлинмалари бошлиқларидан ташқари барча ходимлари;

- туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) ҳузуридаги тергов бўлимлари (бўлинмалари, гурухлари) бошлиқлари ва ходимлари;
- транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари ҳузуридаги тергов бўлинмалари бошлиқлари ва ходимлари.

Тергов бўлинмалари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган ҳолатларда маъмурий жавобгарликка тортилганлиги учун қўшимча равишда интизомий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмайди.

Тергов бўлинмалари ходимларига нисбатан хизмат текширувлари тергов бўлинмаларининг вакиллари иштироқида ўтказилиши шарт.

Тергов бўлинмалари ходимлари-дан хизмат вазифаси юзасидан бирон бир тушунириш олиш учун чақиритириш Тергов департаменти ва тергов бошқармаси





бошлигининг хабардорлиги асосида амалга оширилади.

Шунингдек, юқоридаги ҳужжат талаблари асосида ходимлари юқори лавозимларга, шунингдек, раҳбарлик лавозимларга тайинлаш бўйича ҳам талаблар белгилаб қўйилган. Жумладан:

- Тергов департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармаларининг терговчилари лавозимига тергов бўлинмаларида уч йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган, юқори натижаларга эришган, тажрибали ва намунали ходимлар тайинланади;

- Бошқа тергов бўлинмаларининг катта терговчи лавозимида камидан икки йил, ўта муҳим ишлар бўйича терговчи лавозимида эса катта терговчи лавозимида камидан икки йил иш стажига эга бўлган, юқори натижаларга эришган, тажрибали ва намунали ходимлар тайинланади. Алоҳида ҳолларда терговчи ёки катта терговчи лавозимида икки йилгача ишлаб келаётган, юқори натижаларга эришган ва намунали терговчилар катта терговчи лавозимига, ўз навбатида катта терговчилар ўта муҳим ишлар бўйича терговчи лавозимида тайинланиши мумкин;

- Икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган суриштирувчилар терговчи лавозимига ўтказилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган, тажрибали, юқори натижаларга эришган ва намунали ишлаб келаётган суриштирувчилар ҳам терговчи лавозимига ўтказилиши мумкин;

- Катта суриштирувчи лавозимида бир йил давомида суриштирувчи бўлиб ишлаган ходимлар тайинланади;

- Тергов бўлинмаларининг раҳбарлик лавозимига қоида тариқасида тергов фаолиятини ташкиллаштириш бошқармаси (бўлинмалари)да ишлаган, юқори натижаларга эришиб келаётган, ўзининг касбий билим ва маҳоратини намоён қилган, тажрибали, ташаббускор

ва ташкилотчилик қобилиятига эга раҳбарлик захирасида бўлган (муқаддам салбий сабабларга кўра раҳбарлик лавозимларидан озод этилмаган) ходимлар таркибидан тайинланади. Алоҳида ҳолларда юқорида кўрсатилган фазилатларга эга бўлган ҳамда баҳолаш мезонлари асосида юқори натижаларга эришиб келаётган катта терговчи ёки ўта муҳим ишлар бўйича терговчилар раҳбарлик лавозимига тайинланиши мумкин.

Суриштирувчи ва терговчи лавозимига биринчи маротаба тайинланган ходимларнинг иш фаолияти ички ишлар органларида мураббийлини ташкил этиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этилади. Улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги тергов бўлинмалари бошлиқлари ёки уларнинг мураббийларитомонидан кўрибчиқилиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармалари бошлиқларининг ўринbosарларини, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) ҳузуридаги тергов бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари), транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлимлари ҳузуридаги тергов бўлинмалари бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш масалалари бўйича тергов бошқармалари бошлиқларининг тақдимномаси киритилишидан олдин Тергов департаменти бошлиғи билан келишилиши лозим.

Тергов бўлинмалари ходимлари фаолиятининг хусусиятини инобатга олган ҳолда хизматни ўташ вақтида фуқаролик кийимини кийиб юришга рұксат этилади (маҳсус режаларда назарда тутилган тадбирларга ҳамда тергов-тезкор гуруҳи таркибиға жалб этилган ҳолатлар бундан мустасно).

Тергов бўлинмалари ходимларини хорижий давлатларга хизмат ва хизмат билан боғлиқ бўлмаган сафарларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар



ҳамда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматларининг режали ёки режадан ташқари текшириш ва тадбирларига жалб этилиши Тергов департаменти бошлиғи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Тергов бўлинмалари ходимларини бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига хизмат сафарига юборишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга қатъий риоя этилиши шарт.

Тергов бўлинмалари ходимларини вазирлик ва бошқа идораларнинг, шунингдек, хорижий давлатларнинг таълим муассасаларига ўқишга, малакасини оширишга ҳамда қайта тайёрлашга юбориш Тергов департаменти бошлиғи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Тергов бўлинмалари бошлиғи ёки назорат қилувчи прокурордан бошқа давлат органлари, шу жумладан, ички ишлар органлари бошлиқлари ҳамда ходимлари томонидан суриштирувчи ёхуд терговчининг процессуал фаолиятига аралашиб, шунингдек, иш юритувида бўлган терговга қадар текширув, жиноят ишлари ва бошқа ҳужжатларни олиб қўйиш, ўрганиш, текшириш, улар бўйича кўрсатмалар бериш ёки терговчи (суриштирувчи)нинг қонунда назарда тутилган тартибда бекор қилинмаган процессуал қарорларига баҳо беришига йўл қўйилмайди.

2017 йилдан бошлаб Ички ишлар органлари тергов бўлинмаларида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар давомида суриштирувчи ва терговчиларга юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишлари учун муносиб шартшароитлар яратиш, уларнинг моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш масаласида қатор имкониятлар яратилди.

Ушбу борада 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2898-сонли қарор талаблари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимлари томонидан жиноятларни тергов қилиш ҳамда фош этиш самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги 2017 йил 15 сентябрдаги 727-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган маҳсус малака даражасини бериш тартиби ҳамда оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун пул мукофотлари билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди.

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган маҳсус малака даражасини бериш тартиби тўғрисидаги Низом билан ходимнинг терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов ишларини юритиш, ҳуқуқбузарликлар





профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек ўз фаолиятига оид бошқа вазифаларни бажариш жараёнида эришган натижалари асосида ҳар йил якунлари бўйича баҳолаш мезонларига мувофиқ унга қўшимча устама тўлаб бериладиган малака даражалари белгилаб берилди.

Ходимларнинг ҳисобот йили давомида тўплаган баллари асосида уларга малака даражалари тақдим этилиб, кейинги йил давомида ҳар ойлик маошига қўшимча равиша:

- З-максус малака даражаси учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,06 баравари миқдорида;
- 2-максус малака даражаси учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдорида;
- 1-максус малака даражаси учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,76 баравари миқдорида пуллар қўшиб берилади.

Бундан ташқари, оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун пул мукофотлари билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси бошлиқларининг бўйруқлари билан қуидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти берилади:

- оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали тергов қилганлик учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдорида;
- оғир жиноятларни намунали фош этганлик учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,11 баравари миқдорида;
- ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,81 баравари миқдорида.

Бундан ташқари, 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сонли қарори талабларига асосан ички ишлар органлари тергов бўлинмалари ходимларига рағбатлантириш чораси тариқасида эгаллаб турган лавозими билан кўзда тутилган махсус унвондан қатъи назар навбатдаги махсус унвон берилиши мумкин:

«подполковник» махсус унвони – тегишилиги бўйича ички ишлар органлари тергов бўлинмаларида ўн беш календарь йилдан ортиқ узлуксиз иш стажига эга бўлган терговчи (суриштирувчи), катта терговчи (катта суриштирувчи) лавозимидағи ходимларга «майор» махсус унвонида хизмат ўташ муддати тугаганидан сўнг;

«полковник» махсус унвони – тегишилиги бўйича ички ишлар органлари тергов бўлинмаларида йигирма календарь йилдан ортиқ узлуксиз иш стажига эга бўлган катта терговчи (катта суриштирувчи), ўта муҳим ишлар бўйича терговчи лавозимидағи ходимларга «подполковник» махсус унвонида хизмат ўташ муддати тугаганидан сўнг.

Бундан ташқари, тергов бўлинмалари ходимлари қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда ижтимоий ҳимоя ҳуқуқларига эга ва имтиёзлардан фойдаланади.

Муҳтарам Президентимиз бошчилигига сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида нафақат ички ишлар органлари, балки тергов бўлинмалари ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, уларни моддий рағбатлантириш ҳамда оиласвий шароитларини яхшилаш мақсадида ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилди, ҳозирда ҳам ислоҳотлар давом этирилмоқда. Шундай экан, жамоат тартиби, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, жиноятларни ўз вақтида фош этиш, ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини сўзсиз амалга оширишда барчамиз бирдек масъулдирмиз.



## ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ПРОЦЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ



Исмаилов Умид Агзамович  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги  
Тергов департаменти Тергов фаолиятини  
ташкиллаштириш бошқармаси  
ўМИБ терговчиси,  
полковник



Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган кўп сонли қонун ва қонуности хужжатлар, амалиётга татбиқ қилинаётган инновацион ғоялар – барча-барчасининг замирида инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш туриди. Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида инсон омили олий даражага қўтарилигани, “инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун” тамойили юксак ўринларга қўйилгани ҳам бежизга эмас.

Зотан мамлакатда қонун устуворлиги таъминланиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари керакли даражада ҳимоя қилинар экан, фуқароларда эртанги кунга умид, келажакка ишонч ҳисси жонланади ва бу албатта уларнинг маънавий, моддий жиҳатдан бойишига ҳамда ўз навбатида давлатнинг ҳам ривожланишига улкан ҳисса қўшади.

Инсон манфаатларига путур етказувчи ҳар қандай тўсиқларга қарши курашиш жаҳон эътиборида туриди. Президентимиз ўзининг ҳар бир нутқида “халқимиз биздан рози бўлсин” иборасини такрор ва такрор ишлатиб келаётганининг ўзиёқ Мустақил Ўзбекистонимизда ҳам фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича илдам қадамлар ташланганининг инъикосидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

фармони, 14.01.2019 йилда эълон қилинган “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ти қонуни ва бошқа кўплаб амалга оширилаётган ислоҳотларни эътироф этмасликнинг имкони йўқ.

Шу ўринда одил судловни унинг бир бўлаги бўлган ишни судга қадар юритиш босқичида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминламай туриб тасаввур қилиб бўлмайди.

Бу босқич жиноят ишини қўзғатиш, суриштирув ёки дастлабки терговни олиб бориш, жиноят иши бўйича якуний қарор қабул қилишдан иборат бўлиб, бу ишни судга қадар амалга оширилган процессуал ҳаракатларни ўз ичига олади.

Ишни судга қадар юритиш босқичида процесс иштирокчилари - жабрланувчи, уларнинг вакиллари, гувоҳлар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, ҳимоячилар, қонуний вакил ва бошқаларнинг ҳар бири ўз ҳуқуқи ва мажбуриятига эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 май кунидаги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ЖПКнинг 91-моддасига қўшимча тариқасида шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш ҳамда шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтуб ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларининг ҳам видеөёзув орқали қайд қилинишининг мажбурий этиб белгилангани ҳам ишни судга қадар юритиш жараёнида процесс иштирокчиларидан гумон қилинувчи ёки айбланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етмаслигининг кафолати сифатида хизмат қиласди.

Эътибор қаратадиган бўлсак, миллий қонунчилигимиз, хусусан



жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигига киритилаётган ўзгартериш ва қўшимчаларнинг аксари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бу эса юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар замираиде аввало инсон манфаатларини муносиб ҳимоя қилишаётганига ишорадир.


Жиноят иши қўзғатилганидан сўнг ишни судга қадар юритиш босқичида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи асосан суриштирувчи ёки терговчига боғлиқ бўлиб қолишини сир тутиб бўлмайди.

Бу эса ўз навбатида суриштирувчи ва терговчилар зиммасига маълум ваколатлар билан бирга масъулият юклайди.

Ишни судга қадар юритиша процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ-

лари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан миллий қонунчилигимиизда бир қатор ижобий ва мақтанарли ишлар амалга оширилганини эътироф этиш жоиз. Шу билан бирга ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўплигини ҳам мухокама этмасдан бўлмайди.

Процесс иштирокчиларининг, у жабрланувчи бўладими, гувоҳ ёки гумон қилинувчи бўладими, унинг ҳуқуқларитўлиқ таъминланиши аввало терговчи, суриштирувчига боғлиқдир. Бироқ шуни ҳам унумаслик лозимки, айрим ҳолларда жамиятдаги маълум механизмнинг яхши ишламаслиги ёки ЖПКда талаб қилинган даражада ишламаслиги ҳам, бу вазифани тўла-тўқис бажаришга тўскىнлик қилаётгани ҳам муаммоларимиз ҳали мавжудлигини англаатади.





Хусусан, процессуал ҳаракатларни қонун доирасига тўла мос даражада ўтказишида процессуал чиқимларни назардан қочириб бўлмайди. Бинобарин, жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга, холисларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек суткалик харажат пули тариқасида ёки доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, холисларга уларни одатдаги машғулотидан чалғиттанлик учун харажатларни тўлаш амалиёти оқсаб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳатто ҳудудий молия бўлимларининг йиллик харажатлар режасига киритилмагани ҳам фикримизни исботлайди. Шу каби терговчи ёки суриштирувчи

реабилитация этилган шахса Үзбекистон Республикаси ЖПКнинг 302 ва 303-моддаларида кўрсатилган қонунга хилоф ҳаракатлар билан етказилган мулкий зиённи қоплаш тўғрисида қарор чиқарганидан сўнг ушбу зиён ЖПКнинг 305-моддасига асосан молия органлари томонидан давлат бюджети ҳисобидан қопланиши кўрсатилгани ҳолда ҳудудий Молия бўлимлари ушбу харажатлар йиллик харажатлар рўйхатига киритилмаганини таъминлашда оқсалалари келгусида бу борадаги масалаларни қайта кўриб чиқиш лозимлигини англаради.

Худди шу каби айрим мутахассислар ва экспертизалар, марказларнинг хизматидан фойдаланишининг пуллик қилиб қўйилгани ҳолда уни тўлаш учун маблағлар ажратилмагани ҳам текширувдан ўтувчи фуқаронинг гарданига тушиб, унинг ҳукуқлари ва



қонуний манфаатларига қисман зарар етишига салбий омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.


Судга қадар ишни юритишга оид масалаларни муҳокама этарканмиз, таниб олинувчи шахс билан бир қаторда турувчи унга ўхшаш шахсларнинг ҳуқуқий мақоми амалдаги ЖПКда кўрсатилмаган бўлиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган.

Шунингдек, ишни судга қадар юритиш босқичида жиноятларни тезкорлик билан, иссиқ изида очиш, уларнинг олдини олишда кўплаб экспертизалар талаб қилингани ҳолда бу борада жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган экспертизаларнинг жойларда тўлиқ мавжуд эмаслиги, мавжудлари ҳам замонавий техникалар билан таъминланмаганлигини, жиноятларни ўз вақтида илмий йўл билан очишнинг ўрнига, гумонланувчи, гувоҳ ва

жабрланувчиларни асоссиз узоқ вақт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ушланиб қолишларига, бу билан уларнинг ҳуқуқларини поймол бўлишига сабаб бўлмоқда. Ишда гумон қилинаётган ёки иш бўйича муҳим далилларга эга бўлиши мумкин бўлган шахсларни кетказиб юбориш эса содир бўлган жиноят бўйича иш юзасидан қатор чигалликлар пайдо қиласди.

Шу каби гиёҳвандлик ёки психотроп моддалар мавжудлиги тахмин қилинганда, модданинг турини аниқлаштириш учун замонавий техникаларга бир неча дақиқалар керак бўлса, ҳозирда мавжуд усувларда эса кўплаб соатлар ва кунлар талаб этилади.

Катта эҳтимол билан кўп микдорда гиёҳвандлик воситасини сотгани ҳолда ушланган шахсни ушбу модданинг таркибини аниқлаб, жиноят



иши қўзғатиб, ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиб, сўнгра эҳтиёт чораси қўллаш ЖПКда назарда тутилган ёки ЖПКнинг 224-моддаси тартибида ушланган тақдирда ҳам бу келгусида қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллангунга қадар бўлган вақтнинг улгуриб бўлмас даражада қисқаришига олиб келади ва келгусида терговчи, суриштирувчи томонидан сунъий равишда процессуал муддат бузилишига сабаб бўлади.

Шу билан бир қаторда ёнгин билан боғлиқ ёки одам ДНКси билан боғлиқ экспертизаларни ўтказиш учун айнан пойтахтга мурожаат қилиш лозим бўлиб, бу процессуал ёки айтиш керакки текширув тайинлаган мансабдор шахснинг ўз ёнидан ортиқча харажатлар ишлатишидек салбий амалиётга сабаб бўлмоқда. Бинобарин, бир вилоят доирасида

бундай экспертиза, текширувларнинг мавжуд эмаслиги инновацион замон талабларига мос ҳолат эмас.

Худди шунингдек, вилоят даражасидаги суд-тиббий эксперти кўригидан ўтган фуқаронинг танасидаги жароҳатларига ойдинлик киритиш мақсадида бошқа вилоят экспертига ёки республика миқёсидаги экспертилар кўригига қўшимча, комиссиян ёки бошқа турдаги экспертизалар тайинланганда кўрикдан ўтувчи процесс иштирокчисининг бориши ҳам талаб этилиши мақсадга мувофиқ эмас ва бу процесс иштирокчисининг қонуний манфаатларига зиддир. Бу масалани ҳар бир вилоятга республика экспертиза марказининг айнан йўналиш бўйича бир нафар вакили қўйилиши билан ечим топса бўларди назаримизда.



Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ишни судга қадар юритиш босқичида бузилишини фақат шу ишни олиб бораётган терговчи ёки суриштирувчининг индивидуал камчилиги сифатида қараш мантиқан рад этиладиган ҳолдир. Ваҳоланки, жамиятнинг бошқа тузилмалари ҳам ЖПК талаблари даражасида ташкил этилмаган экан, бу салбий ҳолатларни тўла чеклаб бўлмайди.

Қонунчиликни ислоҳ қилишда шахслар, процесс иштирокчиларининг, ҳолатларнинг идеал ҳолатда тасаввур этилиши ҳам бошқа бир процесс иштирокчисининг ҳуқуқларига, қонуний манфаатларига зарар етказиб қўйиши хусусида ҳам сўз юритмоқ

жоиз. Мисол тариқасида, вилоятлардаги аҳоли яшамайдиган чет ҳудудда жиноят содир этилган ҳолларда, айтайлик жабрланувчининг ўзи ёхуд жабрланувчи ва гумонланувчидан бошқа шахс яшамайдиган узоқ жойларда ҳодиса содир бўлган жойни ҳам кўздан кечиришда холислар иштирокини таъминлаш мажбурий қилиб белгиланган. Аммо ушбу ҳудудда бошқа шахслар яшамаса, процесси юритаётган шахс қандай йўл тутиши лозим? Бундай ҳолларда нима қилинаяпти амалиётда? Албатта, терговчи ёки суриштирувчи ҳудудий профилактика инспекторига икки нафар холисни ишга жалб қилиш ҳақида топшириқ беради. Профилактика инспектори эса холислар топиб келиш учун соатлаб кетади ва бу бошқа





процесс иштирокчиларининг вақтлари беҳудага кетиши, уларнинг қонуний манфаатларига зиён етказиши, шу билан бирга ҳодиса жойида мавжуд маълум изларнинг йўқолиши ёки ўз хусусиятини ўзгартиришига ҳам сабаб бўлади.

Мамлакатимизда инновациялар даври сифатида эътироф этилаётган, видеокамералар ҳамма томонни, процессуал ҳаракатларни қамраб олинаётган ҳозирги замонда бунга эскича қарашлар билан ёндашиш ўринли эмас. Шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ёки бошқа шу каби тергов ҳаракатлари видеоёзувга олинаётган экан, холиснинг иштирок этишига эҳтиёж борми, ёки йўқлиги масаласини қайта кўриб чиқиш лозим. Яна холиснинг шахсини аниқлаштириш ва ҳатто унинг ушбу жиноят бўйича процесс иштирокчиларидан бирортасига алоқадорлигини билишнинг дархол имкони ҳам йўк, албатта. Бу процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга тўсқинлик қилиш

эҳтимоли билан бирга тергов сирига ҳам зид ҳолдир.

Зоро, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини етарли таъминлаш учун процессни юритувчи шахснинг ўзи ҳам бу борада муаммолардан холи бўлиши лозим.

Хулоса ўрнида, жиноят процессининг судгача бўлган босқичида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун етарли даражада шароит яратиш, ушбу босқични илмий асосларда соддалаштириш, жиноят содир этилганидан жабрланган шахслар билан бир қаторда процесдаги ҳар бир иштирокчининг манфаатларини ҳисобга олиш, илмий ва техникавий имкониятларни ошириш амалда кутилган натижаларни бериш билан бир қаторда фуқароларнинг ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидан қониқиши ҳосил қилишларига, уларга ўз ҳимоячилари сифатида қарашлари шаклланишига сабаб бўлади.



## ОҚЛОВ ҲУКМИ СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИДИР



Жасур Шоназаров Жаҳонгирович  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги  
Тергов департаментинг Ахборот таҳлил  
бўлими катта терговчиси ,  
капитан



Давлатимиз томонидан инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон Фармонида суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этишининг суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш каби устувор йўналишлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2020 йилнинг 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиб борасида ги вазифалар муҳокамасига бағишлиган видеоселектор йиғилишида ислоҳотлар натижасида судлар томонидан илк маротаба 2 минг 273 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганлиги, жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллигига олинганлиги ва инсон ҳуқуқларини бузганлиги учун 60 нафар ҳуқуқтартибот идоралари ходимлари жиной жавобгарликка тортилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бу мазкур соҳадаги давлат



сийёсатининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиганлигидан далолат бермоқда.

Шу ўринда, ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари томонидан ҳам давлатимиз томонидан бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга оғишмай риоя этилиши таъминланмоқда. Бироқ тергов бўлинмалари терговчи ва суриштирувчилари томонидан дастлабки тергов ва суриштирув Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси талаблари асосида ҳар томонлама, тўла ва холисона олиб борилмаётганлиги оқибатида, судлар томонидан жиноят ишлари бўйича айбланувчилар оқланиш ҳолатлари учрамоқда.

Бу борадаги камчиликларнинг келиб чиқиш асл сабаблари ўрганилганда, тергов бўлинмаларида бой тажрибага эга бўлган устоз-терговчиларнинг салмоғи камлиги, жиноят ишлари судга айблов хулосаси ва айблов далолатномаси билан юборилишидан олдин тергов раҳбарлари томонидан етарли даражада ўрганилмаётганлиги, ёш суриштирувчи ва терговчилар ўзларининг устида ишламаётганлиги, ҳуқуқий билимларини ошириб бормаётганлиги маълум бўлди.

Судлар томонидан 2020 йилнинг 3 ойида чиқарилган оқлов ҳукми ва ажримлари таҳлил қилинганда, ички ишлар тергов бўлинмалари томонидан тергов ва суриштирув олиб борилган 34 та жиноят ишлари бўйича жами 35 нафар айбланувчилар судлар томонидан оқланган.



### ХУДУДЛАР БҮЙИЧА ТАҲЛИЛИ



ТОШКЕНТ Ш.	- 8
ТОШКЕН	- 5
СИРДАРЁ	- 2
ЖИЗЗАХ	- 2
БУХОР	- 3
НАВОИЙ	- 1
ФАРҒОНА	- 5
АНДИЖОН	- 1
НАМАНГАН	- 2
СУРҲОНДАРЁ	- 2
ҚАШҚАДАРЁ	- 4

Судлар томонидан 2020 йилнинг 3 ойида оқланган 35 нафар шахсларга нисбатан тергов бўлинмаларитомонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қуидаги моддалари билан айблов эълон қилинган:

Оқлов ҳукм ва ажримлари сабаблари ўрганилганда:


- Айбланувчиларнинг 21 нафари (Тошкент шаҳар, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида 4 нафардан, Фарғона, Бухоро ва Жиззах вилоятларида 2 нафардан, Сирдарё, Навоий ва Наманган вилоятларида 1 нафардан) тергов ва суриштирувда айбини исботловчи етарли

далиллар тўпланмаганлиги сабабли оқланган.

Мисол учун, Фарғона вилоятида 2019 йилнинг 1 сентябрь куни соат 09:30да А.Худаяров ўз бошқарувида бўлган "Нексия" русумли автомашинасида чорраҳага светофорнинг яшил чироғида ҳаракатланиб келиб, чап томонга қайрилиб ҳаракатланмоқчи бўлганида, П.Юлдашев бошқарувидаги "Дамас" русумли автомашина билан қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келиб, светофорнинг қизил чироғида чорраҳага киргандиги оқибатида йўл транспорт ҳодисаси содир этилган. Натижада бир



### ЖК МОДДАЛАРИ БҮЙИЧА ТАХЛИЛИ



109	- 2
122	- 3
167	- 1
168	- 5
224	- 3
226	- 2
228	- 3
266	- 3
273	- 2
<b>БОШҚА</b>	<b>- 11</b>



нече нафар фуқаролар турли даражадаги тан жароҳатлари олган.

Мазкур ҳолат юзасидан Фарғона шаҳри бүйича ИИО ФМБ хузуридаги Тергов бўлими томонидан А.Худаяров Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан айланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган жиноят иши айлов далолатномаси билан судга юборилган.

Фарғона вилоят судининг апелляция инстанциясининг ажримига кўра, суриштирув давомида йўл транспорт ҳодисаси акс этган тасвиirlар А.Худаяровдан олиш чоралари қўрилмасдан ва етарли далиллар тўпланмасдан тахминларга асосланиб Қарор қилинганлиги сабабли А.Худаяров Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 3-бандига асосан оқланган.





- Айбланувчиларнинг 6 нафари қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги сабабли оқланган.

Масалан, Тошкент шаҳрида фуқаролик ишлари бўйича Чилонзор туманлараро судининг 28.10.2014 йилдаги ижро варақасига кўра, қарздор Б.Азаматовдан ойлик иш ҳақи ва бошқа турдаги даромадларидан ундирувчи К.Азамованинг фойдасига вояга етмаган икки нафар фарзандларининг моддий таъминоти учун 1/3 қисм миқдорида алимент тўлаши лозимлиги белгиланган бўлса-да, қарздор Б.Азаматов 28.10.2014 йилдан 28.01.2017 йилга қадар, ҳеч қаерда ишламасдан ундирувчи фойдасига жами 9,3 млн. сўм пулларни тўламасдан, вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келган.

Мазкур ҳолат юзасидан Чилонзор тумани бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан Б.Азаматов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси 2-қисми билан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган жиноят иши айлов хуносаси билан судга юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 09 январь




кунидаги ЎРҚ-459-сон Қонуни билан ЖКнинг 122-моддаси янги таҳрирда қабул қилинганлиги боис, Б.Азаматов Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 83-моддаси 1-бандига асосан оқланган.

- Айбланувчиларнинг 3 нафари судда тайинланган қўшимча экспертиза хуносаларида қарама-қаршиликлар юзага келганлиги;

- 2 нафари терговга қадар текширув давомида тўплланган далиллар номақбул деб топилганлиги сабабли оқланган.

Хусусан, Тошкент шаҳрида 2019 йилнинг 21 ноябрь куни соат 04:30да Бектемир тумани "Шарқ" ЙПХ масканида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан кўздан кечирилгандা



Б.Сувонқуловдан 5 дона капсуладаги "Регапен" ва жами 100 дона конвалюттада 1000 та "Трамадол", қонунга зид равишда ўтказилган тинтувда Б.Сувонқуловнинг автомашинаси юкхонасидан 350 дона капсуладаги "Анданта" кучли таъсир қилувчи моддалари ва гиёхвандлик воситалари аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан Б.Сувонқулов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми ва бошқа моддалари билан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган жиноят иши айблов холосаси билан судга юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг ҳукмига кўра, нарса ва ҳужжатларни олиш тўғрисидаги баённома тузилишида холислар иштирок этмаганлиги боис далил номақбул деб топилган ва Б.Сувонқулов Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал

кодекси 83-моддаси 2-бандига асосан оқланган.

- 2 нафари процесс иштирокчилари дастлабки терговда берган кўрсатувларини ўзгартирганлиги;
- 2 нафари муқаддам тайинланган жазо бекор қилинганлиги ва қилмишда жиноят таркиби қолмаганлиги сабабли оқланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир суриштирувчи ва терговчи исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан амалга ошириб, жиноят процессуал қонуни талабларига риоя қилган ҳолда тергов харакатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона ҳамда қонуний олиб борса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилиниб, жамиятда қонун устуворлиги тўла таъминланади.

### 34 ТА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТЕРГОВЧИ ВА СУРИШТИРУВЧИ ЛАРНИНГ АЙБДОРЛИГИ





## ПРОЦЕССУАЛ ХАРАЖАТЛАР – ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ КАФОЛАТИ СИФАТИДА



Султонов Абдулла Азаматович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ўқув жараёнини ташкил этиш ва  
мувофиқлаштириш бошқармаси  
бошлигининг ўринбосари,  
подполковник



“2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”даги<sup>1</sup> қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга доир иккинчи устувор йўналиш асосида қабул қилинган бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатларда процессуал ҳаражатларни тўлаш механизмини такомиллаштириш масаласига алоҳида урғу берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида “...процессуал чиқимларни қоплаш тартибини такомиллаштириш” масаласи жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришнинг вазифаларидан бири сифатида баён қилинди<sup>2</sup>. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси”даги қарорида ҳам “Ўзбекистон Республикасининг «Гувоҳлар, жабрланаувчилар, эксперtlар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган ҳаражатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги Қонуни ўз кучини йўқотганлигит тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ушбу тартиби Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқлаш” вазифаси белгилаб берилди<sup>3</sup>. Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш зарурати ўз моҳиятига кўра жиноят ишларини

юритиш жараёнида процессуал чиқимларни тўлаш тартибини такомиллаштиришнинг долзарблигини янада оширади.

Зоро, процессуал чиқимлар институти, ўз моҳиятига кўра, одил судлов тизимида нисбатан катта аҳамиятга эга бўлса-да, бироқ унинг бугунги мавқеи мавжуд имкониятларини тўла намоён этмаяпти. Бу эса энг аввало процессуал чиқимларни тўлаш механизмининг оптимал даражада шаклланмаганлигига бориб тақалади. Мазкур ҳолатни моҳиятан, қуйидаги омиллар билан изоҳласа бўлади:

– процессуал чиқимлар институти учун ажратилиши лозим бўлган маблағлар билан боғлиқ молиявий муаммоларнинг мавжудлиги;

– процессуал чиқимлар институтиning аҳамиятига нисбатан муносабатда жиноят ишларини юритишга оид ҳаражатларни қоплаш нуқтай назари билан чекланилганлиги.

Дарҳақиқат, юқоридаги омиллардан биринчисини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги объектив сабабларга боғласа бўлади, аммо иккинчиси субъектив хусусиятлар билан, яъни процессуал чиқимлар институтиning жиноят процессидаги ўрни ва аҳамияти миллий ҳуқуқшунослик доирасида батафсил илмий мушоҳада қилинмаганлиги билан изоҳланади. Ваҳоланки, процессуал чиқимлар институти, ўз моҳиятига кўра, нафақат жиноят ишларини юритишини моддий жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган, балки жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларини ижро этувчи институтлардан биридир. Қолаверса, процессуал

1 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон, Кучга кириш санаси 08.02.2017. Манба: «Халқ сўзи», 2017 й., 28 (6722)-сон; ЎР ҚҲТ, 2017 й., 6-сон, 70-мода.

2 “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3723-сон, Кучга кириш санаси 15.05.2018. Манба: ҚҲММБ, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон.

3 “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 17.01.2019 йилдаги ПҚ-4125-сон, Кучга кириш санаси 19.01.2019. Манба: ҚҲММБ, 19.01.2019 й., 07/19/4125/2510-сон.



чиқимлар институти ёрдамида таъсир кўрсатиладиган жиноят-процессуал муносабатлар ушбу фикримизни тұла асослайди.

Умуман олганда, процессуал чиқимлар институтининг аҳамияти ва вазифалари хусусида бир қатор қарашлар шаклланган бўлиб, уларнинг ҳар бирида процессуал чиқимлар институтига оид муайян миллий қонунчилик тажрибаси ва юридик табиати кўзга ташланиб туради.

Шу нуқтаи назардан, О.Ю.Кузнецов томонидан процессуал чиқимлар институтининг умумий вазифалари сифатида эътироф этилган қуйидаги қарашлари алоҳида қизиқиш уйғотади:

- процессуал чиқимлар жиноят процесси иштирокчиларига зиммаларидағи вазифаларни бажаришлари учун зарур шартшароитларни яратади;
- жиноят ишларини юритишда давлат ҳисобидан сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш имконини беради;
- жиноят процессига кўмаклашувчи иштирокчиларнинг моддий манфаатларини (биринчи навбатда молиявий) муҳофаза қилинишини таъминлайди;
- турли билим ва кўникмага эга бўлган мутахассисларни кенгроқ доирада жалб этиб, жиноят иши юритилишининг сифатини оширишга замин яратади;
- ўзинининг огоҳлантирувчи хусусиятини намоён этиб, жиноят ҳақидаги етарли асосланмаган ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилишларнинг олдини олади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қўшимча шакли сифатида намоён бўлади<sup>4</sup>.

Процессуал чиқимлар институтининг умумий жиҳатлари

нуқтаи назаридан, муаллиф томонидан эътироф этилганларга мазмунан қўшилиш мумкин. Аммо уларни процессуал чиқимлар институтининг вазифалари ёки мақсадлари тарикасида қабул қилиш масаласи атрофлича мулоҳазани талаб этади. Шу асосда юқорида келтириб ўтилган умумий вазифаларнинг учтаси ўз мазмунига кўра процессуал чиқимлар институтининг мақсадларига мувофиқ келади. Боиси, “мақсад” атамаси моҳиятнан вазифа сўзига яқин бўлиб, араб тилидаги “нийт”, “юқори тилак”, “интилиш” сўзларидан олинган ва луғавий мазмуни жиҳатидан “эришиш”, “амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса”, “муддао” маъноларини англатади<sup>5</sup>. Бироқ, кейинги вазифаларнинг амалга оширилиши бевосита мазкур институтнинг янада такомиллаштириш натижалари билан шартлашган.

Бу эса процессуал чиқимлар институтига муайян вазифаларни юкланишидан олдин уни юридик ва моддий жиҳатдан мукаммал тартибга солиш ва ўзаро мувофиқлаштириш шартлигини англатади. Зеро, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида процессуал чиқимларнинг турлари ва уларнинг ундирилиши тартибга солинган бўлса-да, бироқ уларни қоплаш манбалари ва амал қилишнинг ишchan механизмини шакллантириш вазифаси охирига қадар етказилмаган.

Шу боисдан процессуал чиқимлар институтини тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш мақсадида процессуал чиқимлар институтини унинг вазифалари призмаси орқали илмий-назарий таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

<sup>4</sup> Кузнецов,О.Ю. Процессуальные издержки, вызванные реализацией принципа языка уголовного судопроизводства, и порядок их возмещения //Современное право. -2005. - № 9. - С. 46 – 55.

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изохли луғати. 2-жилд .А. Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент.: 2006. -570 б.

**Биринчиси,** жиноятга оид одил судловни амалга ошириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиб бериш. Мазкур вазифани жиноят процесси иштирокчиларининг турларидан келиб чиқиб икки тоифага бўлса бўлади.


1) Жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг исботлаш жараёнини амалга ошириш, шунингдек шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш, ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш, экспертиза муассасаларида экспертиза текшируви ўтказиш каби ҳаракатларини моддий жиҳатдан таъминлаш.

2) жиноят ишини юритишга кўмаклашувчи шахслар, яъни гувоҳ, эксперт, таржимон, мутахассис ва холисларни процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиши, кундалик машғулотларидан чалғитилганганлик учун тўлов, иш жойидаги ўртacha ойлик маошининг сакланишига оид нормаларнинг қўллаш тартибини жорий этиш ҳамда уларни жиноят процессида кўрсатган кўмаклари учун қўшимча равишдаги моддий ва маънавий рафбатлантириш, шахсий хавфсизлигини кафолатлаш кабиларни

ўзида қамраб олади.

**Иккинчиси,** жиноят процесси иштирокчиларининг моддий манфаатларини самарали муҳофазалаш. Буни процессуал чиқимлар институтининг процесс иштирокчиларини (айланувчи, судланувчи, фуқаровий жавобгар ва уларнинг қонуний вакилларидан ташқари), яъни жиноят ишида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган томонлар, ҳимоячилар ва вакиллар, жиноят процессига кўмаклашувчи томонлар, жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари ва уларнинг вакилларини жиноят процессига жалб этувчи бирламчи омил бўлган иштирок этишлари билан боғлиқ сарфланган ва сарфланадиган харажатларини ёки бой берилган даромадларининг қопланишини кафолатлаш мақсади билан асослаш мумкин.

**Учинчиси,** турли соҳага оид билим ва қўникмаларга эга бўлган мутахассислар ҳамда зарур маълумотга эга иштирокчilarни кўпроқ жалб этиш воситасида жиноят ишини юритиш сифатини ошириш. Бунда процессуал чиқимлар институтининг самарали фаолияти натижасида, жиноят ишини





юритишда психолог, педагог, таржимон, зоотехник, агроном, шифокор ва бошқа керакли билим ва кўнилмаларга эга мутахассисларни жалб этиш назарда тутилади. Улар хизматидан фойдаланиш эса экспертиза текширувларининг тури ва сифатини ошириш, вазият тақозо қилган барча тергов ва процесувал ҳаракатларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ амалга оширишга имкон беради. Бу ўз навбатида, жиноят ишлари бўйича синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган далилларгагина асосланган ҳолда қарор қабул қилинишига эришиб, жиноят ишини белгиланган муддатларда сифатли тамомлашга хизмат қиласди. Пировардида, улар жиноят ишларини юритиш савиясини кўтариб, уларни қўшимча терговга қайтиши ва бошқа салбий кўрсаткичлар камаяди.

**Тўртингчиси,** Ҳукуқбузарликларнинг олдини олишнинг қўшимча шакли юзага келиши. Процесувал чиқимлар институтининг ушбу профилактика хусусиятини субъектлари бўйича икки хил кўринишда тавсифлаш мумкин:

1) фуқаролар орасидаги ҳукуқбузарликларни олдини олиш. Яъни, айборни жиноий жавобгарликка тортиш билан бирга, ундан процесувал ҳаражатларни сўзсиз ундириш тартибининг амалда қўлланиши қўшимча иқтисодий чора сифатида хизмат қиласди. Буёса, жиноят содир қилишга мойил шахслардаги ижтимоий хавфли қилмишни содир этишга оид ҳулқ-атворини сўндиришга маълум даражада хизмат қилиши табиийdir.

2) ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасидаги ҳокимият ва мансаб ваколатидан четга чиқиш ҳамда уни суиистеъмол қилиш, тамагирлик, шунингдек, бошқа

коррупцион муносабатларга оид ҳукуқбузарликларнинг камайишига таъсири этади. Бошқача айтганда, процесувал чиқимлар институти фаолиятининг оптималь тарзда шаклланмаганлиги, жиноят ишини юритишига масъул бўлган мансабдор шахсларни иш юритиш билан боғлиқ ҳаражатларни қонунда назарда тутилмаган манба ҳисобидан қоплашга ундаши баробарида юқоридаги каби жиноятлар учун объектив муҳитни шакллантирувчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Процесувал чиқимлар институтининг ушбу хусусияти ўз мазмунидан келиб чиқиб, жиноят процесувал қонун хужжатларига оид бўлган жиноятларнинг олдини олиш, шахс, давлат вожамият манфаатларини ҳимоялашга ёрдамлашиш каби мақсадларни ифодалайди.

**Бешинчиси,** жиноят ҳақидаги етарли асосланмаган ариза ва хабарлар тўғрисида огохлантириб, улар ҳажмини камайтириш. Бу жабрланувчининг шикояти бўйича қўзғатилган иш юзасидан судланувчи оқланган тақдирда суд процесувал чиқимларни иш юритилишига сабаб бўлган шикоятни берган шахсдан тўлиқ ёки қисман ундириб олиш тартиби билан изоҳланади. Ушбу тартибининг амалда ишлаши эса жиноятга оид ариза, хабарларни қабул қилиш жараёнида мурожаат этаётган ҳукуқ субъектларини бу тўғрида огохлантиришга сабаб бўлади. Ўз-ўзидан бу ҳолат асосиз ариза ва мурожаатлар ҳажми камайишини оширилишининг таъминлайди.

**Олтинчиси,** жиноят ишларини юритишда давлат томонидан сарфланган ҳаражатлар миқдорини аниқлаш ва уларни ундириб олиш. Процесувал чиқимлар учун сарфланган маблағларни умумлаштиришдан



ҳосил бўладиган давлат томонидан сарфланган харажатлар миқдорини аниқлаш қуийдагиларга имкон беради:

